VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

35 (356) ● 2015 йил 1 сентябрь, сешанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎзМТДП барча ташкилотлари "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шиори остида тадбирлар ўтказмоқда

Сариосиё тарих ва ўлкашунослик музейи ЎзМТДП фаоллари саъй-ҳаракати билан замон талаблари асосида таъмирланади

Мирзачўл тумани "Мустақиллик" МФЙдаги БПТ фаоллари "Миллий тикланиш" боғини ташкил этиш таклифини илгари сурмоқда




# Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!

## Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи

Азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун мана шу гўзал ва муҳташам майдонда сиз, азиз юртдошларимиз билан кўришиш, барчангизни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни биз учун энг улуғ ва энг азиз бўлган Ўзбекистонимизнинг Мустақиллик куни билан чин қалбимдан табриклаш — мен учун катта бахт, катта шарафдир.

Мустақиллик биз учун ҳаётимизнинг маъно-мазмунини бутунлай ўзгартирган, тарихимизда янги саҳифа очган буюк воқеа бўлиб, Ватанимизни, халқимизни эски мустабид тизим кишанларидан озод қилгани, миллий демократик давлат қуриш, барча мамлакатлар ва халқлар билан тенг бўлиб, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини очиб бергани билан қадрли ва мўътабардир.

Айнан мустақиллик топталган қадриятларимизни, дину диёнатимизни, ору номусимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, халқимизнинг орзу-интилишларига, миллий манфаатларига жавоб берадиган келажагимизни қуриш йўлини очиб бергани билан тарихимизда абадий сақланиб қолажак.

Айнан мустақиллик шарофати билан мард ва матонатли халқимиз тарихан қисқа даврда амалга оширган оламшумул ишлар туфайли шаҳар ва қишлоқларимизнинг, бутун мамлакатимизнинг қиёфаси тобора очилиб, обод бўлиб бораётгани, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати юксалаётгани, бугун Ўзбекистонимиз замонавий давлатлар қаторига кираётгани — ўзингиз айтинг, азиз дўстлар, мустақилликка эришмасдан туриб, бундай марраларга етиш мумкинмиди?

Бунга жавоб битта — йўқ ва асло йўқ.

Бу фикрнинг яққол тасдиғини аввало босиб ўтган йўлимиз ва мамлакатимиз қўйган қадамларда кўриш, кузатиш қийин эмас.

Ўзбекистонимиз иқтисодиёти, жаҳон миқёсида ҳали-бери давом этаётган инқирозга қарамасдан, истиқлол йилларида 5,5 каррадан зиёд ўсгани, аҳолимизнинг реал даромадлари жон бошига 9 марта кўпайгани, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етгани ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, албатта.

Мамлакатимиз ер юзидаги энг тез суръатлар билан ривожланаётган давлатлар орасида бугун бешинчи ўринни эгаллагани ва сўнгги ўн бир йил давомида ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиш ҳажми 8 фоиздан юқори бўлиб келаётганининг ўзи барчанинг ҳаваси ва ҳайратини уйғотиши табиийдир.

Бугунги кунда дунёдаги энг нуфузли халқаро иқтисодий ва ижтимоий марказларнинг охирги маълумоти бўйича, Ўзбекистон "Бутунжаҳон бахт индекси"да 158 та мамлакат ўртасида 44-поғонани, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида биринчи ўринни эгаллагани барчамизга ғурур-ифтихор бағишлайди ва янги уфқларни забт этишга ундайди.

Биз қўлга киритган ўсиш суръатлари, эришган марралар ва уларга олиб келган сабаблар ҳақида албатта кўп гапиришимиз мумкин. Лекин бу ҳақда сўз юритганда, бундай улкан ютуқларимизнинг энг муҳим омили ва мезони борки, у ҳам бўлса, замон ўзгариши билан халқимиз, одамларимизнинг дунёқараши, онгу тафаккури, ҳуқуқий маданияти, сиёсий фаоллиги, фуқаролик масъулияти ва бурчи юксалиб бораётганида намоён бўлмоқда.

Энг муҳими, биз мустақилликка эришган биринчи кунлардан бошлаб эски тузумнинг қолип ва ақидаларидан бутунлай холи бўлган, мустақил фикрлайдиган, ҳаётга янгича қарайдиган, буюк ишларга қодир куч сифатида ёш авлодимизни тарбиялашга қаратилган мутлақо янги тизимни яратдик.

Юртимизда ҳар йили 600 мингдан кўпроқ замон талабига жавоб берадиган ёш мутахассислар — камида икки-учта касб-ҳунарни, чет тилларни, Интернет ва ахборот технологияларини, замонавий билим чўққиларини эгаллаган, ривожланган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашувга тайёр бўлган, кўзи ёниб турган йигит-қизларимиз бугун жамиятимизнинг ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучига айланиб, ҳаётга кирмоқда. Бизнинг энг катта суянчимиз ва таянчимиз бўлмиш ана шундай ёшларга, ана шундай беқиёс салоҳиятга эга бўлган халқни ҳеч қачон ўз йўлидан қайтариб, енгиб бўлмайди. Бунга барчамизнинг ишончимиз комил.

> 2-бет.

## Ўзбекистон Президентининг Хитойга ташрифига доир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 2015 йил 2-3 сентябрь кунлари ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади ва Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллигига бағишланган тантанали маросимларда иштирок этади.

## Самимий қутловлар

Мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари ва ишбилармон доира вакилларидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига бахт-саодат, омонлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, равнақ ҳамда фаровонлик тилаб, чин дилдан эзгу истаклар изҳор этилган.

Қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Хитой Халқ Республикаси Раиси — **Си Цзиньпин**

Россия Федерацияси Президенти — **Владимир Путин**

Франция Республикаси Президенти — **Франсуа Олланд**

Туркия Республикаси Президенти — **Режеп Таййип Эрдўғон**

Эрон Ислом Республикаси Президенти — **Ҳасан Руҳоний**

Қозоғистон Республикаси Президенти — **Нурсултон Назарбоев**

АҚШ ва Канада Бухоро яҳудийлари конгресси президенти — **Борис Қандов**

Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикасидаги делегацияси раҳбари — **Юрий Штерк**

Германия — Ўзбекистон жамияти президенти — **доктор Вольф Бауэр**

Германия — Ўзбекистон жамияти вице-президенти — **Дитер Бранденбургер**

Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг Марказий Осиё бўйича минтақавий вакили — **Томас Кунце**

Тошкент ва Ўзбекистон Митрополити, Ўрта Осиё митрополит округи раҳбари — **Викентий**

«Сока Гаккай Интернэшнл» президенти — **Дайсаку Икеда.**

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*

## Аждодлар хотираси унутилмайди

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган ислоҳотлар жараёнида халқимизнинг шаъни, қадр-қиммати, ғурур-ифтихори, маънавияти ва миллий қадриятларини қайта тиклашга алоҳида эътибор қаратилди. Мустабид тузум даврида қатағон қилинган юзлаб ватандошларимиз хотираси абадийлаштирилди. Бундай савобли ишлар изчил давом эттирилмоқда.**

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2000 йили пойтахтимизнинг Бўзсув соҳилида "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи барпо этилди. Мажмуа таркибида "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи ва шу номдаги жамғарма ташкил қилинди. 2001 йилдан буён 31 августни Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонлаш эзгу анъанага айланди.

Ушбу мажмуа мустабид тузум даврида зулм ва тажовуз қурбони бўлган юртдошларимиз хотирасига кўрсатилган улкан эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир. Бу ерда аждодлари хотирасини ёд этишга келганлар, айниқса, ёшлар бугунги тинч ва осойишта, тўкин ва фаровон ҳаётга қандай оғир йўқотишлар, синовлар ва машаққатлар эвазига эришганимизни англайди, тинчликнинг, мустақилликнинг нақадар буюк неъмат эканини теранроқ ҳис этади.

Анъанага мувофиқ, 31 август тонгида "Шаҳидлар хотираси" хиёбонида халқимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган аждодларимиз хотирасини ёд этиш маросими ўтказилди. Қуръон тиловат қилиниб, қатағон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, тарихий хотирасиз келажак йўқ. Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллик шодиёналари кенг нишонланаётган шу кунларда бугунги озод ва обод кунларни орзу қилган, шу йўлда ўз ҳаётини ҳам аямаган аждодларимизнинг хотирасини ёд этар эканмиз, истиқлол туфайли юртимизда тарихий адолат қарор топганига, халқимиз ўтмишдан сабоқ чиқариб, буюк келажак сари дадил интилаётганига, бунда табаррук қадамжолар катта тарбиявий аҳамиятга эга эканига яна бир бор амин бўламиз. Шундай фараҳбахш дамларда шу азиз Ватан барчамизники, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир, деган эзгу туйғу жўш уради.

Давлатимиз раҳбари уламолар, жамоатчилик вакиллари билан суҳбатда тарихий хотира, мамлакатимизда эришилган улкан ютуқлар, эл-юртимиз ҳаёти, одамларимиз турмуш тарзи, онгу тафаккурида рўй берган ўзгаришлар, жаҳонда ва яқин атрофимиздаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазият тўғрисида фикр юритди. Бугунги нотинч замон доимо огоҳ, ҳушёр ва сезгир бўлишни талаб қилишини алоҳида таъкидлади.

> 3-бет.

## Бетакрор Ватанимизнинг буюк байрами

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди



Мустақиллик бу аввало ҳуқуқ — ўз юртининг эгаси бўлиш, ўз тақдирини ўзи белгилаш, озод ва бахтли яшаш ҳуқуқидир.

Мустақиллик бу — эркинлик. Фикрлаш, сўзлаш, эътиқод қилиш, миллий анъаналарни асраб-авайлаш, касб танлаш, меҳнат қилиш ва орзу-интилишларни амалга ошириш эркинлиги.

Мустақиллик бу — ўзлик. Ўз қадр-қимматини англаш, аждодларини таниш ва улуғлаш, ўз инсоний шаънини, ор-номусини баланд тутиш, жаҳон ичра ўз ўрнига эга бўлиш саодати.

Мустақиллик бу бунёдкорлик, инсон меҳнатини қадрлаш, рағбат, эътибор ва яна кўпдан-кўп имкониятлардир.

Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, мустақиллик, бугунги эркин ҳаёт, бугунги беқиёс имконият ҳар қайси миллат, ҳар қайси авлод тарихида фақат бир марта бериладиган улуғ ва ноёб неъматдир.

> 2-бет.

## Қалбларни туташтирган наволар

Самарқанд шаҳрида "Шарқ тароналари" ўнинчи халқаро мусиқа фестивали якунланди

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали бу йил ўнинчи бор ўтказилди. Қарийб бир ҳафта давомида муаззам Регистон майдонида, "Мўъжиза" ва "Ниҳол" амфитеатрлари, "Ёшлик", "Сўғдиёна", "Шаббода" истироҳат боғлари, Самарқанд, Оқдарё, Жомбой ва Тайлоқ туманларида янграган куй-қўшиқлар мухлислар қалбидан чуқур жой олди.




> 3-бет.

MILLIY TIKLANISH
35 (356) 2015 йил 1 сентябрь, сешанба

# Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Азиз дўстларим, юртдошларим!

Ҳеч кимга сир эмас — биз юртимизда ўзимизга хос, ўзимизга мос ҳаёт қуришда шошма-шошарлик, калтабинлик ҳолатларига, пала-партиш ишларга асло йўл қўймадик. Бошқаларга ўхшаб, маррани ким тезроқ эгаллайди, деган мусобақаларга қўшилмадик, ўзгалардан нусха олмадик, узоқни кўзламайдиган "маслаҳатчи"лардан йироқ бўлдик. Энг муҳими, ўз тақдиримизга, келажагимизга енгил-елпи қараб, таклиф этилаётган кредитларга учиб, қарзга ботганимиз йўқ.

Бир сўз билан айтганда, биз ҳақиқатан ҳам "Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун" деган принципга амал қилиб, мақсадимизга эришиш учун босқичма-босқич, эволюцион — тадрижий тараққиёт йўлини маҳкам ушладик.

**Чуқур ва пухта ўйланган, машҳур беш тамойилга асосланган, бугунги кунда жаҳон миқёсида "ўзбек модели" деб тан олинган стратегик тараққиёт дастурини ишлаб чиқиб, уни амалга оширганимиз, ҳеч шубҳасиз, тарихимизда ўчмас из қолдириши муқаррар.**

Азиз юртдошлар!

Биз олдимизга қўйган олий мақсад, яъни, тараққий топган давлатлар қаторига кириш, халқимиз учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлаш, халқаро ҳамжамиятда юксак обрў-эътиборга сазовор бўлиш йўлидаги эзгу ният ва орзу-интилишларимиз барчамизга яхши маълум, деб ўйлайман.

Шу билан бирга, ҳаммамизга аёнки, биз яшаётган XXI аср, тез суръатлар билан ривож топаётган глобаллашув жараёнлари, интеллектуал меҳнат ва Интернет ҳаётимизга чуқур кириб бораётгани, жаҳон бозорида рақобат курашининг миқёси, кескинлиги ва бешафқатлиги тобора ортиб бораётгани бугунги кунда ҳар қайси давлат, ҳар қайси халқ олдига ўта муҳим ва долзарб талабларни қўймоқда.

Бугун кимки, қайси давлат ана шундай ўткир талабларга итоат қилиб, уларга ҳамоҳанг бўлиб яшамаса, ҳеч шубҳасиз, бундай давлат жаҳон тараққиётининг чеккасида қолиб кетиши муқаррар. Ўзбекистонимизда ҳам бунга йўл қўйишга бизнинг ҳеч қандай ҳаққимиз йўқ, десам, ўйлайманки, бутун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламан. Чунки биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва кам бўлмаймиз, иншооллоҳ.

Шу борада бизнинг асосий вазифамиз — мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётимиз ва унинг тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш, ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш ҳисобидан **иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини ошириш, жаҳон бозорида ўзимизга муносиб ўрин эгаллашдир.**

Бугунги кунда **иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришлар сиёсатини амалга ошириш, саноатимизни диверсификация қилиш,** юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш тармоқлари ва янги иш ўринларини ташкил этиш бизнинг энг устувор, энг долзарб вазифамиз бўлиши даркор.

Конституциямизда муҳрлаб қўйилган хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида **бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, унинг йўлида ғов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётимизда давлат ҳиссасини асосланган даражага қадар қисқартиришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилаётганини барчамиз чуқур англаб олишимиз зарур.**

Азиз дўстлар!

Ҳозирги кунда яқин ва узоқ атрофимизга назар ташлайдиган бўлсак, турли қарама-қаршилик ва зиддиятлар, тўқнашув ва қон тўкишлар, низо ва адоватлар кучайиб бораётганини, мухтасар айтганда, вазият ғоят қалтис бўлиб, тобора мураккаб ва кескин тус олаётганини кўрмаслигимиз мумкин эмас.

Бундай ўта таҳликали вазиятда бизнинг олиб бораётган сиёсатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомида, халқаро қонун ва нормаларда муҳрлаб қўйилган асосий принципларга риоя қилиш, **юзага келадиган қарама-қаршилик ва низоларни зўравонлик билан эмас, фақатгина тинч ва сиёсий йўл билан ҳал этишни, бугунги кунда дунёнинг турли ҳудудларида давом этаётган уруш ва қон тўкиш ҳолатларини сўзсиз тўхтатишни назарда тутади.**

Яна ва яна бир бор айтиб ўтишни зарур деб биламан: **Ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокка қўшилмайди, ўз ҳудудида чет эл ҳарбий базаларининг жойлаштирилишига, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ташқарисида бўлишига мутлақо йўл қўймайди.** Ўзбекистон давлатининг қонуни даражасига кўтарилган бу тамойилларни, айни шундай чуқур ўйланган йўлни, шундай сиёсатни биз учун энг тўғри, энг маъқул деб биламиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.

**Илгари ҳам айтганман — бизга, халқимизга тинчлик ва омонлик керак. Бу — ўзбек халқининг истаги, бу — ўзбек халқининг мақсади, бу — ўзбек халқининг қароридир.**

Биз бошимиздан кечираётган замон барчамиздан аввало огоҳ ва сезгир бўлиб яшашимизни, тинч ва осуда ҳаётимиз учун, мусаффо осмонимизни ҳимоялаш учун курашишимизни талаб қилади.

Шу мақсадда биз яқин ва узоқ қўшниларимиз билан тил топишиб, ўзаро дўстона муносабатларни, минтақамизда ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни янада кучайтиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган, бизга яқиндан ёрдам ва кўмак бериб, ҳамкорлик қўлини узатиб, доимо хайрихоҳ бўлиб келаётган хорижий мамлакатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакилларини, барча чет эллик меҳмонларимизни самимий қутлашга ижозат бергайсиз.

Азизларим, қадрли юртдошларим!

Бир ҳақиқат ҳеч қачон хаёлимиздан кўтарилмаслигини истардим. Биз йигирма тўрт йиллик мустақил тараққиётимиз давомида қандай улкан ютуқларга эришган бўлсак, турмушимиз янада обод ва фаровон бўлиб, одамларимизнинг ҳаётдан розилиги ортиб бораётган бўлса, **бунинг негизида аввало тинчлик ва осойишталикни сақлаб, азал-азалдан шундай фазилатларни кўз қорачиғидек асраб, ёш авлодимизни ана шу руҳда тарбиялаб келаётган халқимизнинг фидокорона меҳнати, ақлу заковати, мустаҳкам иродаси мужассамдир.**

Бугун шу юксак минбардан туриб, сиз, азизларнинг номингиздан, шахсан ўз номимдан меҳнаткаш ва бағрикенг, олижаноб халқимизга таъзим қилишни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Оилаларимизни, ҳаётимизни эзгулик ва меҳр нури билан чароғон этиб келаётган, дунёдаги энг гўзал, мунис аёлларимиз, опа-сингилларимизга бахту саодат, хонадонларига файзу барака тилайман.

Мана шу муаззам майдонда жам бўлган сиз ёшларга, сизлар орқали юртимизнинг барча ўғил-қизларига, менинг азиз фарзандларимга ўзимнинг самимий меҳрим ва чуқур ишончимни яна бир бор билдирмоқчиман.

Ишонаман, барча-барчангиз сизга мансуб бўлган куч-ғайрат ва қатъият, изланиш ва яна бир бор изланиш, замонавий билим ва тажрибаларни ўзлаштириш билан ўз олдингизга қўйган эзгу мақсадларга албатта эришасиз, жамиятимизда муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллайсиз.

**Ҳеч қачон бўш келманг, азиз болаларим, эртанги кун — келажак сизники!**

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Мана шу ҳаяжонли, унутилмас дамларда сизларни Ватанимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрами билан яна бир бор табриклаб, қалбимда, юрагимда бўлган энг гўзал, самимий тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи қўлласин, ўзи мададкор бўлсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

# Бетакрор Ватанимизнинг буюк байрами

## Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Шу боис халқимиз Мустақиллик кунини энг улуғ, энг азиз айём, деб билади. Бу тарихий санани катта шоду хуррамлик билан байрам қилади.

2015 йил, 31 август. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи, унга туташ хиёбонлар, йўллар ва бинолар байрамона безатилган. Гуллар тароватi, чироқлар шуъласи атрофга ажиб гўзаллик бахш этган. Рангин байроқчалар майин тебранади. Хушсурат ва хушкайфият одамлар муаззам майдон томон ошиқади.

Бу ерга Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзолари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан ва маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари ташриф буюрган. Ҳамма бир-бирини байрам билан табриклаб, дилдан суҳбат қурмоқда.

Соат 19.00. Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни қарсаклар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси байрам шодиёнаси бошланаётганидан дарак беради.

Президент Ислом Каримов минбарга таклиф этилади.

Давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллиги билан халқимизни муборакбод этади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси янграйди. Байрам аҳли қўлларини кўксига қўйиб, мамлакатимизнинг бош қўшиғига жўр бўлади. Бу манзарага боқиб юрак тўлқинланади, ғурурга тўлади.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, бу айёмга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилди. Халқимиз бу кунни янги муваффақиятлар ва янги умидлар билан кутиб олмоқда. Юртимиз гўзаллиги ва тараққиётига боқиб, **"Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!"** дея хурсандчилик қилмоқда.



Зеро, хурсанд бўлиш учун барча асосларимиз бор — мамлакатимиз тинч-осойишта, шаҳару қишлоқларимиз обод ва фаровон, одамларнинг кайфияти кўтаринки, хонадонлари файзу баракали, дастурхони тўкин, эртанги кунга ишончи мустаҳкам. Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлидан дадил бормоқда.

Давлатимиз мустақилликка эришган вақтда чуқур иқтисодий-ижтимоий бўҳронлар гирдобида бўлишига қарамай фақат бугунини ўйламади. "Шок терапияси" деган, аҳоли ҳаётини, иқтисодиётни ўз оқимига ташлаб қўядиган таваккал ва осон йўлларни изламади. Қийин, аммо узоқ истиқболга мўлжалланган вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ўзига хос йўлни танлади.

Бу йўл Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва халқимиз қўллаб-қувватлаган, дунёда "ўзбек модели" деб тан олинган тараққиёт стратегиясидир. Мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий шароити, миллий-демографик хусусиятлари, жаҳон тажрибаси ва демократия талаблари аниқ баҳоланган ушбу моделнинг ғоят тўғри ва самаралилигини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз иқтисодиёти 5,5 каррадан зиёд ўсгани, аҳолининг реал даромадлари жон бошига 9 марта кўпайгани мазкур модель асосида босқичма-босқич амалга оширилган ислоҳотлар натижасидир.



Давлатимиз раҳбари томонидан асос солинган автомобилсозлик, моторсозлик, нефть ва газни қайта ишлаш, замонавий техникалар ишлаб чиқариш каби юқори технологияли саноат тармоқлари иқтисодиётимизнинг локомотивига айланди. Озиқ-овқат, енгил саноат, кимё, қурилиш материаллари корхоналарида амалга оширилган модернизация ва диверсификация ишлари уларга қайта жон бағишлади. Бугун юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар аҳоли эҳтиёжини тўла таъминлаб, экспортга ҳам йўналтирилмоқда.

Глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганига, жаҳон бозорида рақобат тобора кескинлашиб бораётганига қарамай, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръатлари кейинги ўн бир йил давомида 8 фоиздан зиёд бўлиб келаётгани, бу йил ҳам шундай ўсиш суръатлари кутилаётгани иқтисодиётимизнинг барқарор равнақ топаётганини кўрсатади.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига қўлга киритилаётган бундай ютуқ ва марраларни бутун дунё тан олмоқда. Халқаро эксперт ташкилотлари, нуфузли рейтинг компаниялари юртимиз ривожининг бугунги ҳолати ва истиқболларини юқори баҳоламоқда.

Яқинда Швейцарияда Жаҳон иқтисодий форуми — "World Economic Forum" иқтисодиёти энг тез ривожланаётган мамлакатлар рейтингини эълон қилди. Жаҳон банкининг "Глобал иқтисодий тараққиёт" прогнози асосида тайёрланган мазкур маълумотда Ўзбекистон 2014-2017 йилларда йиллик ўсиш даражаси юқори бўладиган давлатлар орасида 5-ўринни эгаллади.

...Саҳнага болакайлар чиқиб келади. Майдон шўх-шодон кулгуга тўлади. Улар мустақиллик йилларида туғилиб ўсган, қалби ва онги тоза авлод. Уларнинг юз-кўзларида қувонч, дилларида олам-олам орзулар. Куй-қўшиқлари ҳам шунга монанд — бахт, шодлик, ёруғ келажак ҳақида.

Ўзбекистон истиқлолнинг дастлабки кунларидан фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт, деган эзгу ғояни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди. Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Ўтган йилларда бу олижаноб мақсад йўлида кўлами ва аҳамияти жиҳатидан улкан ишлар амалга оширилди. Болаларнинг соғлом туғилиши ва соғлом улғайиши учун барча зарур шароитлар яратилди. Замонавий таълим муассасалари, спорт иншоотлари, тиббиёт ва соғломлаштириш масканлари ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Фарзандларимиз камолоти халқаро мусобақаларда яққол намоён бўлаётир. Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида ўтказилган XVII Осиё ўйинларида спортчиларимиз 61 медалга сазовор бўлиб, Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигини яна бир бор исботлади.

Ёшларнинг замонавий билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Мактабни тамомлаган ўғил-қизлар ўрта махсус таълим тизимига, лицей ва коллеж битирувчилари иш ва ўқишнинг кейинги босқичларига тўлиқ қамраб олинмоқда.

Мамлакатимизда ҳар йили бир миллионга яқин иш ўрни ташкил этилмоқда. Ёшларни қўллаб-қувватлашга оид дастурларга мувофиқ, ёш оилаларга «Камолот» уйлари топширилмоқда. Бу уларнинг оёққа туриб олиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши ва фарзандларини баркамол этиб тарбиялаши учун рағбат, катта мадад бўлмоқда.

Навбат жаҳон классик мусиқаларига берилади. Юртимиз санъаткорларининг турли тиллардаги қўшиқларни маромига етказиб ижро этиши байрам қатнашчилари ва чет эллик меҳмонларга манзур бўлади. Мамлакатимиз миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлигида ривож топаётганини намоён этади.



Ўзбекистонда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият даражасига кўтарилган. Жамиятимизда меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик муҳити қарор топган.

Шундай барқарорлик сабаб мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори тобора ошиб бормоқда. Энг ривожланган давлатлар, дунёга донғи кетган фирма ва компаниялар юртимиз билан ҳамкорликка интилмоқда.

Бугун Ўзбекистон 130 дан ортиқ давлат билан дипломатик муносабатлар ўрнатган. Тошкентда 45 мамлакатнинг элчихонаси, йигирмага яқин халқаро ташкилот ва молиявий муассаса ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Хорижий давлатларда, халқаро ташкилотлар ҳузурида Ўзбекистоннинг 50 га яқин дипломатик ва консуллик ваколатхонаси очилган.

...Майдонда Ватан ҳимоячилари саф тортади. Уларнинг қадамлари зарби юракларни ларзага солади. Мустақиллигимиз қалқонлари ҳарбий оркестр садолари остида "Тинчлигинг асраймиз, муқаддас Ватан!" дея куйлайди.

Тинчлик — тараққиётнинг асосий омили. Тинчлик-осойишталик бўлган жойдагина ривожланиш бўлади, одамлар бунёдкорлик, яхшилик истаги билан яшайди. Мамлакатимизда ана шу омилнинг доим барқарорлиги туфайли барча соҳаларда улкан ютуқ ва марраларга эришилмоқда.

Ўзбекистон бугун ўзининг куч-қудрати ва салоҳиятига таянган, ўз сарҳадлари, халқининг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялашга қодир, халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллаган, тез ва барқарор суръатлар билан тараққий этаётган том маънода мустақил мамлакатдир.

Бунинг асоси, замини Президентимиз томонидан олиб борилаётган тинчликпарвар сиёсатдир. Давлатимиз ташқи сиёсати миллий манфаатларнинг устуворлиги, халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя этиш, баҳсли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш тамойилларига асосланади. Мамлакатимиз ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмайди.

< Давоми 3-бетда.



# Бетакрор Ватанимизнинг буюк байрами

## Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди

**< Давоми. Бошланиши 1-2-бетларда.**

Юртимиздаги тинчлик-осойишталик туризм соҳаси ривожида ҳам муҳим омил бўлмоқда. Дунёга машҳур ўзбекона меҳмондўстлик, замонавий туризм инфратузилмаси ва юқори сифатли хизмат дунё сайёҳларини ўзига жалб этмоқда.

2014 йил октябрда Самарқандда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси бўлиб ўтди. Бу юртимизда барча соҳалар изчил ривожланаётгани, халқаро майдонда мамлакатимиз обрўси тобора ошиб бораётганининг яна бир далолати бўлди.

Ўша ойда Урганч шаҳрида яна бир йирик анжуман — "Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш" мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Унинг натижалари Оролбўйидаги экологик офатнинг салбий оқибатларини камайтириш, ушбу ҳудуд аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилашда алоҳида аҳамият касб этди.

"Ким эдигу ким бўлдик?". Бу савол байрам дастурининг асосий концепциясини ташкил этади. Мониторларда намойиш этилаётган ҳудудлардаги ўзгаришлар, улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, меҳнатсевар юртдошларимиз сиймоси, фаровон бозорларимиз, тинч-осойишта ҳаётимиз мазкур саволга жавоб бўлади. Айни пайтда эртага ким бўлишимиз, қандай марраларни эгаллашимизга ишонч туғдиради.

Мамлакатимиз ривожлангани сари аҳолининг ҳаёт сифати ва даражаси ҳам тобора юксалиб бормоқда. Ватанимизнинг ҳар бир гўшасида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан йирик шаҳарларимиз бош режа асосида қайта қурилмоқда. Янгидан-янги маданият ва спорт саройлари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, таълим ва тиббиёт мажмуалари ҳудудлар чиройига чирой қўшмоқда.

Энг муҳими, бундай ишлар самарасида инсонларнинг яшаши, меҳнат қилиши ва ҳордиқ чиқариши учун қулай шарт-шароит яратилмоқда. Аҳолининг замонавий хизмат ва товарлардан фойдаланиш имкониятлари кенгаймоқда. Қишлоқларимизда барпо этилаётган замонавий уйлар оилалар фаровонлигини юксалтирмоқда. Одамлар обод уйларда, файзли маҳаллаларда сифатли ҳаёт кечирмоқда. Бундай замонавий шароитлар уларнинг онгу тафаккурини, дунёқарашини ўзгартирмоқда. Бу "Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун" деган тамойилнинг амалдаги ёрқин ифодаларидир.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети социологлари томонидан ўтказилган "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" рейтингида жаҳонда 44-ўринни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари орасида эса биринчи ўринни эгаллагани ҳам бежиз эмас.

Президентимиз ташаббуси билан 2015 йил мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилингани инсонга эътиборнинг яна бир намунаси бўлди. Шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури доирасида бугунги тинч ва обод ҳаётимизни барпо этишга хизматлари сингган, уйимизнинг файзи бўлган мўътабар кексаларимизнинг оғирини енгил қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, муносиб ҳаёт кечиришлари учун кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

— Юртбошимизнинг инсон бахт учун дунёга келади, деган жуда зўр гапи бор, — дейди сурхондарёлик Жума ота Тошпўлатов. — Бугун халқимизнинг уй-жойи, яшаши, орзу-интилишларига қараб, бу даъват одамлар қалбидан чуқур жой олгани, уларнинг тафаккури, турмуш тарзи ўзгарганини кўриш мумкин. Илгари "бизга бўлаверади" деб юраверган эканмиз. Бундай бахтли ҳаёт ҳам бор экан. Ҳар бир соҳада ўзгариш, ривожланиш, одамларнинг уйида, дилида хотиржамлик. Бу мана шу тантаналар шукуҳида ҳам яққол кўриниб турибди. Шундай кунларга етказганига шукур. Илоҳим, элимиздан меҳр-оқибат, аҳилчилик аримасин. Юртимиз ҳамиша тинч, халқимиз омон бўлсин!

...Халқ термалари байрамни янада қиздиради. Ватанни, севги ва садоқатни, бугунги дориломон кунлар шукуҳини мадҳ этувчи қўшиқлар янграйди. Саҳна атрофи ва миноралarga ўрнатилган юзлаб ёритгичлар нури ҳавода кесишиб, ранг-баранг композициялар ҳосил қилади. Бу байрам томошасига янада кўтаринкилик, ўзгача жозиба бағишлайди.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ улкан сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилди. Сайлов тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонунлар қабул қилинди, Конституциямиз ва қатор қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бунинг самарасида сайловларнинг халқаро нормаларга тўла мос ҳолда ўтказилишини таъминлайдиган мукаммал қонунчилик базаси шаклланди.

2014 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар ана шундай ривожланган шароитда, демократик принципларга тўла мос равишда ўтди. Унда сайловчиларнинг 88,9 фоизи иштирок этди. Бу халқимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, Ватан тақдири учун дахлдорлик ҳисси, сиёсий партияларнинг обрў-эътибори янада ошганини кўрсатди.

2015 йил 29 мартда яна бир муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди. Миллий қонунчилигимиз ва демократия принципларига тўла мос равишда, очиқ-ошкора ўтган ушбу тадбирда сайловчиларнинг 90,39 фоизи Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод Ислом Каримовга овоз берди. Бу Ислом Каримовнинг мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, ҳаёт сифатини юксалтириш борасидаги беқиёс хизматларини халқимиз муносиб баҳолаши, барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларни давом эттиришни қўллаб-қувватлашининг далолати бўлди.

— Ўзбекистон гўзал мамлакат, табиати ҳам, одамлари ҳам ажойиб, — дейди Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Памела Спратлен. — Халқингизнинг байрамлари байрамларга уланмоқда. Куни кеча "Шарқ тароналари" фестивали юксак савияда ўтди. Бугун мамлакатингиз Мустақиллиги байрами шоду хуррамлик билан нишонланмоқда. Мен бу байрамда илк бор иштирок этмоқдаман. АҚШ ва Ўзбекистон ҳамкорлиги барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганидан мамнунмиз. Ўзаро алоқаларимиз бундан буён янада тараққий этишига ишонамиз. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини Мустақиллик байрами билан муборакбод этаман, бахт-саодат тилайман!

Байрам авжига чиқади. Шўх-шодон куйлар янграйди. Ҳамма ич-ичидан шодланиб, жўшиб рақсга тушади. Бу хурсандчилик, шодиёнада бутун халқимизнинг кайфияти намоён бўлади. Зотан ҳаётидан рози, эртасидан кўнгли тўқ одамларнинг юрагига ўйин-кулгу сиғади. Тинч ва фаровон элга мана шундай байрамлар ярашади.

Қалблардан тошаётган ҳаяжон мисоли самода ранг-баранг мушаклар порлайди. Унинг нури одамлар юзини, бутун пойтахтимизни ёритиб юборади. Ёғдуларга боқиб дилда ёруғ ниятлар туғилади:

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

Эзгу мақсад ва орзуларимиз рўёбга чиқсин!

**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА мухбири**



*ЎзА суратлари.*

# Аждодлар хотираси унутилмайди

**< Давоми. Бошланиши 1-бетда.**

— Биз ҳаётдан доимо яхшилик кутиб, бошқаларга ҳам яхшилик тилаб яшайдиган халқмиз, — деди Ислом Каримов. — Шунинг учун ҳам эртанги кунимизнинг бугунгидан кўра ёруғ, тинч ва фаровон бўлишини орзу қиламиз, шу йўлда ўзимизни аямасдан, бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Барқарор тараққиёт йўлидан изчил қадамлар билан бораётган Ўзбекистонимизнинг турли соҳаларда эришаётган ютуқлари барчамизга ҳақли равишда ғурур ва ифтихор бағишлайди. Биз қўлга киритган улкан натижаларни жаҳон ҳамжамияти ҳам тан олмоқда. Аммо ана шундай юксак марраларга осонлик билан эришганимиз йўқ. Бу йўлда қандай оғир синов ва машаққатларни енгиб ўтишга, туну кун тинмай фидокорона меҳнат қилишга тўғри келганини халқимиз яхши билади ва муносиб қадрлайди.

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақа ва ҳудудларида авж олаётган қарама-қаршиликлар, қонли тўқнашувлар, мусулмон дунёсидаги турли мазҳаб ва оқимлар ўртасида кучайиб бораётган низо ва зиддиятлар, бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлаётгани барчамизни ташвиш ва хавотирга солмасдан қўймайди.

Бундай ҳолатларнинг келиб чиқиш сабабларини, уларнинг фожиали оқибатларини чуқур тушуниб, англаб олиш, кенг жамоатчилигимизга, айниқса, ёшларга етказиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир. Диний қадриятларнинг, эзгулик ва инсониятнинг душмани бўлган ёт ғояларнинг асл моҳиятини очиб бериш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, мана шундай тинч, мусаффо осмон остида бунёдкорлик меҳнати билан банд бўлиб, шукрона келтириб яшаётган олижаноб халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаётини ҳар қандай бало-қазолардан асраш — энг асосий вазифаларимиздан бўлиши керак, деди Юртбошимиз.

Бу борада Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва унинг жойлардаги тузилмалари, имом-хатибларнинг ҳаёт билан ҳамқадам бўлиб иш олиб боришлари, ўз фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишлари тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон бугунги кунда дунёда нима бўлаётганидан хабардор бўлиб, хавф-хатарлардан огоҳ бўлиб, уларнинг олдини олиш, бартараф этиш учун, мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш йўлида курашиб яшаши зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Тинчлик — улуғ неъмат. Мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталикдан хотиржамликка берилиш, огоҳлик ва сезгирликни йўқотишга мутлақо ҳаққимиз йўқ, деди Ислом Каримов. Бу йўлда барчамиз, бутун халқимиз янада жипс бўлиб, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишимиз зарур. Зеро, тинчлик учун курашиш керак, уни ҳеч ким яратиб бермайди.

Мустақиллигимизнинг 24 йиллик айёми нишонланаётган қутлуғ кунда кўпни кўрган, меҳнаткаш, бағрикенг, олижаноб халқимизга тинчлик-омонлик тилайман, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин, деди пировардида давлатимиз раҳбари.

Президентимиз Ислом Каримов Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Давлатимиз раҳбари Мустақиллик майдонини янада ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш зарурлигини, бунинг учун иқлимимизга мос дарахтлар, гулларни янада кўпроқ экишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

Президентимиз Шахмат бўйича республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабини ҳам бориб кўрди. Миллий меъморлик ва замонавий архитектура намуналарини уйғунлаштирган ҳолда барпо этилган бу иншоотнинг халқаро мусобақалар ўтказиладиган залида, умуман мазкур мактабда спортчилар учун яратилган шароитлар билан танишди. Уларни янада такомиллаштириш бўйича мутасаддиларга тавсиялар берди.

* * *

Шу куни Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар ва жамоатчилик номидан ҳам гулчамбарлар қўйилди.

**ЎзА**

# Қалбларни туташтирган наволар

## Самарқанд шаҳрида "Шарқ тароналари" ўнинчи халқаро мусиқа фестивали якунланди



**< Давоми. Бошланиши 1-бетда.**

Довруғи аллақачон оламга ёйилиб улгурган, санъат оламида юксак мавқега эга ушбу нуфузли анжуманнинг айнан Самарқанд шаҳрида ўтказилиши бежиз эмас. Зеро, Самарқанд азал-азалдан маданият ва санъат бешикларидан бири бўлиб келган. Бундай бой ва бебаҳо меросга эга бўлган шаҳарлар дунёда кам. Энг муҳими, Самарқанд ана шундай юксак цивилизация намуналари, нодир тарихий ёдгорлик ва обидаларни замонлар оша асраб келаётгани билан ўзига тенгдош бошқа шаҳарлардан ажралиб туради.

Президентимиз раҳнамолигида қадимий ва ҳамиша навқирон, ер юзининг сайқали, Шарқ гавҳари деган таърифу тавсифларга сазовор бўлган Самарқанднинг чиройига чирой қўшиш, унинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, иқтисодий салоҳиятини юксалтириш борасида катта ишлар амалга оширилди.

Мусиқий форум доирасида меҳмонлар Самарқанд шаҳридаги музейлар, ҳунармандлик марказлари ва меҳмонхоналарда фестиваль тарихига оид суратлар, миллий ҳунармандлик намуналари ва чолғу асбоблари кўргазмаларини катта қизиқиш билан томоша қилди. Ноёб меъморий ёдгорликлар, бетакрор тарихий обидалар, муқаддас қадамжолар зиёрати, истиқлол йилларида бунёд этилган замонавий иншоотлар иштирокчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

Фестивалда кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, давлат ва жамоат арбоблари, маданият ва санъат намояндалари иштирок этди. Қатнашчилар анжуман доирасида ўтказилган илмий конференция, турли маданий тадбир ва бадиий кечалар, учрашув ва мулоқотларда, жойларда ташкил этилган Мустақиллик байрамига бағишланган тантаналарда қатнашди. Улар бир-бирлари билан фикр ва тажриба алмашиб, ижодий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйди.

Самарқанд. Регистон майдони. 30 август.

Муаззам майдондаги амфитеатрда халқаро мусиқа анжуманининг тантанали ёпилиши муносабати билан фестиваль иштирокчилари, меҳмонлар ва санъат ихлосмандлари жам бўлган.

Фестиваль иштирокчилари ва ҳакамлар ҳайъати мазкур санъат форумининг олам узра донг таратаётган юксак нуфузи ва ўзига хослиги ҳақида тўхталар экан, унинг бу гал ҳам ғоят юқори савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидлади. Қатнашчиларга кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром ва самимий меҳмондўстлик учун давлатимиз раҳбарига ва анжуман ташкилотчиларига миннатдорлик изҳор этилди.

"Шарқ тароналари" ўнинчи халқаро мусиқа фестивали ғолиб ва совриндорларини эълон қилиш фурсати келди.

Фестивалнинг бош соврини — Гран-при Хитойнинг "Jiangsu Women's Orchestra" гуруҳига топширилди.

— Айни дамда дунёда биздан бахтлироқ инсон йўқ, ҳаяжонимизни таърифлашга тил ожиз, — деди "Jiangsu Women's Orchestra" гуруҳи аъзоси Жанг Жинг. — Шундай машҳур ва нуфузли халқаро мусиқа фестивалида энг олий мукофотга сазовор бўлганимиздан қувончимиз чексиз. Бу каби хайрли ишларга ташаббус кўрсатиб, санъат ва маданият ривожига алоҳида эътибор кўрсатаётгани, жаҳонда тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшаётгани учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга чуқур миннатдорлик билдирамиз. Бу бетакрор ва гўзал саҳнада яна қўшиқ куйлашни орзиқиб кутамиз. Тинчлик, дўстлик ва эзгулик ғояларини тараннум этувчи "Шарқ тароналари" абадий янграйверсин!

Япониянинг "Shamisen" гуруҳи биринчи, Польша ва Эстония вакиллари иккинчи, Коста-рикалик санъат усталари учинчи ўринни қўлга киритди.

Қорақалпоғистоннинг "Айқулаш юлдузлари" гуруҳи ЮНЕСКОнинг махсус совринига сазовор бўлди.

Қатор қўшимча номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, муносиб рағбатлантирилди.

Маросимда юртимиз санъат усталари ва ёш ижрочилар иштирокида катта концерт дастури ҳамда фестиваль учун махсус тайёрланган 3D форматдаги ранглар шоуси намойиш этилди. Унда мамлакатимизнинг шонли тарихи, мустақиллик йилларида буюк аждодларимиз маънавий меросини тиклаш борасидаги ишлар, маданият ва санъат соҳасида қўлга киритилган улкан ютуқлар ўз ифодасини топди.

Халқаро мусиқа фестивалининг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Ҳодиев, Самарқанд вилояти ҳокими З.Мирзаев иштирок этди.

**Ирода УМАРОВА,**
**Нодира МАНЗУРОВА,**
**Ғолиб ҲАСАНОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

MILLIY TIKLANISH
35 (356) 2015 йил 1 сентябрь, сешанба

ЎзМТДП ташкилотларида



# Истиқлол — миллий ўзликни англаш

**партия тадбирларида ана шу ғоя тарғиботига алоҳида эътибор қаратилаётир**

**Бухоро.** — Невараларимга ҳавасим келади, — дейди ЎзМТДП Когон туман туман кенгаши ташаббуси билан ўтказилган тадбирда иштирок этган Тўра Жўраев. — Бу йил биринчи синфга чиқадиган неварамнинг қувончи ичига сиғмаяпти. Унга Президентимиз совғаси — ўқув қуроллари жамланмасининг совға қилиниши бутун оиламизни қувонтирмоқда. Ҳозир у 2 сентябрни ҳаяжон билан кутаяпти. Фақат тинч ва осойишта юртда мана шундай имкониятлар бўлади...

Дарҳақиқат, Ўзбекистон — бахтиёр болалар мамлакати. Таълим олиш, спорт билан шуғулланиш ва ўз интеллектуал имкониятларини тўла намоён этишлари учун барча шароит муҳайё. Мамлакатимизда ёшларнинг чуқур билим олиши учун яратилаётган шароитлар юксак самара бермоқда. Истиқлол бизга ана шундай имкониятларни яратиб берди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Когон туман кенгаши ташаббуси билан "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказилган тадбирда юқоридаги фикрлар ҳаётий мисоллар орқали тушунтириб берилди. Тадбирда мустақилликнинг дастлабки йилларида халқимиз қандай оғир ва машаққатли синовларни бошдан кечиргани, қисқа муддат ичида Президентимиз раҳнамолигида барча соҳада мисли кўрилмаган ютуқларга эришилгани, халқимизнинг кечаги куни ва бугуни ҳаётида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар ҳақида сўз юритилди.

— Истиқлол имкониятлари бўлиб ўтаётган ҳар бир тадбиримизнинг бош мавзусига айланган, — дейди ЎзМТДП Когон туман кенгаши раиси С.Фармонов. — Хусусан, партиянинг "Ўзбекистон мустақиллик йилларида: биз ким эдик ва ким бўлдик?", "Туризм — тарихий меросни асраб-авайлаш, тарғиб қилиш, халқ фаровонлигини юксалтириш асоси", "Президент асарлари билимдони", "Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар ёшлар нигоҳида", "Кексалар доим эъзозимизда", "Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида бирлашайлик!" мавзуларидаги лойиҳалари туман босқичларида иштирокчиларга миллий истиқлол ғояси, мустақиллик йилларида қўлга киритган муваффақиятларимиз ҳақида янада аниқроқ тасаввур уйғотишга ҳаракат қиляпмиз. Бу навқирон авлоднинг Ватанга садоқат, юртга муҳаббат, ўтмишимизга чуқур ҳурмат руҳида камол топишига хизмат қилмоқда.

ЎзМТДП Когон туман кенгаши тадбирлар таъсирчанлигини ошириш мақсадида уларнинг аксариятини қишлоқ фуқаролар йиғинларида ўтказмоқда. "Нурафшон" қишлоқ фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда ўтказилган бу галги тадбир ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, тадбирга кекса отахон ва онахонларнинг таклиф этилгани, уларнинг ўз ҳаётий тажрибаларини сўзлаб бергани ёшларда катта таассурот қолдирди. Тадбирда кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик миллий қадриятларимиз билан уйғун экани таъкидланди. Жорий йилнинг давлатимиз раҳбари таклифи билан Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилингани ва махсус Давлат дастури асосида нуронийларга беқиёс ғамхўрлик қилинаётгани ҳақида тўхталиб ўтилди.

Тадбир якунида меҳнат фахрийларининг бир гуруҳига ЎзМТДПнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Фарғона.** Истиқлол берган имкониятлар, юртимизнинг бугунги кўркутаровати, ўтган йиллар давомида эришган муваффақиятларимиз, одамлар ҳаёти, турмуш тарзидаги ижобий ўзгаришлар ЎзМТДП Фарғона вилоят ташкилотлари ўтказаётган тадбирларнинг ҳам бош мавзусига айланган. Хусусан, юртимиз йилдан-йилга чирой очиб бораётгани, янги-янги ишлаб чиқариш корхоналарнинг ишга тушаётгани, қўшимча иш ўринлари яратилаётгани, бу эса аҳоли турмуш фаровонлигини юксалишига хизмат қилаётгани кенг муҳокама этиляпти. "Мададкор" маҳалла фуқаролар йиғини ва партия шаҳар кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган бу галги тадбирда маҳаллий ишлаб чиқариш ва оилавий корхоналарнинг ривожи хусусида гап борди. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга солиқ ва божхона имтиёзларининг берилаётгани, соҳага хотин-қизларнинг кенг жалб қилинаётгани нафақат юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга, балки жойларда бандлик масалаларини ҳал этишда ҳам муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

— Ҳудудимизда 5 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, — дейди МФЙ раиси Насиба Турсунова. — Бир вақтлар қишлоқда корхона бўлишини хаёлга ҳам келтира олмасдик. Истиқлол дунёқарашимиз ва тасаввурларимизни тубдан ўзгартириб юборди. Бугун биргина маҳалламизнинг ўзида 20 га яқин ишлаб чиқариш кичик корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, хизмат кўрсатиш шохобчалари, тадбиркорлик субъектлари ҳам бор. Қарийб 500 нафар маҳалладошимиз ана шундай жойларда иш билан банд. Бу одамларимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтирмоқда. Президентимиз раҳнамолигида соҳани ривожлантиришга қаратилган қатор қонунлар тадбиркорлик субъектлари сони ва салмоғи кўпайишига хизмат қилаётир.

Тадбирда иштирок этган халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар соҳани ривожлантиришга доир қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳияти ҳақида батафсил тушунтириш берди. Бу қонунлар мамлакатимизда хусусий секторни ривожлантириш, аҳолининг оғирини енгил қилиш, тадбиркорларга берилаётган имконият ва имтиёзлар хусусида тўхталиб ўтилди.

Тадбирда таъкидланганидек, эришган муваффақиятларимиз мамлакатимизда салкам чорак аср давомида олиб борилган оқилона сиёсат ва бунёдкор халқимизнинг ҳалол меҳнати самарасидир. Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик барқарор тараққиётимизнинг яна бир муҳим омилидир. Бу бизни ягона мақсад — юртимиздаги тинчлик-осойишталикни қадрлаб, халқимиз танлаган мустақил тараққиёт йўлини изчил давом эттиришга ундайди.

**Қорақалпоғистон.** Мустақиллик йилларида мамлакатимиз улкан бунёдкорлик майдонига айланди. Қишлоқларимиз обод бўлди. Ҳар йили минглаб аҳолига намунавий лойиҳалар асосида қуриб битказилган уй-жойларнинг топширилаётгани фикримизга яққол далил. "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шиори остида Нукус шаҳрида бўлиб ўтган "Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!" мавзусидаги тадбирда ҳам истиқлол йилларида эришилган муваффақиятлар ҳақида сўз борди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгаши депутатлари, ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши аъзолари, 12-болалар мусиқа ва санъат мактаби ходимлари ва ўқувчилари, ҳунармандлар, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Бугунгидай дориломон кунларни аждодларимиз фақатгина орзу қилиб яшаган, — деди Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Мурод Қурбонов. — Бундай бебаҳо неъмат — истиқлол қадрини ёш авлодга етказиш, мустақилликни мустаҳкамлаш, юртимизни дунё ҳавас билан қарайдиган мамлакатга айлантириш йўлида чекилган заҳмат ва машаққатларни навқирон авлод онгига сингдириш ҳар биримизнинг инсоний вазифамиздир. Мана шу болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳам истиқлолнинг қорақалпоқ халқига туҳфасидир. Ёшларимиз ана шундай таълим масканларида сабоқ чиқаряпти, катта ҳаётга қадам ташлаяпти. Фарзандларимизга яратилган бундай имкониятлар барчамизни истиқлол неъматларини қадрлашга, ўтаётган ҳар бир кунимиз учун шукрона айтишга ундайди.

Тадбирда таъкидланганидек, истиқлол бизга миллий ғуруримизни тиклаш, дунё билан бўйлашиш, халқимиз буюк ишларга қодирлигини амалда яна бир бор намоён этиш имконини берди. Миллий қадрият ва анъаналаримиз, ҳунармандчилигимиз эъзоз топди. Миллий санъатимизга бўлган муносабат ўзгарди.

— Қорақалпоқ бахшичилик мактаби узоқ йиллик анъанага эга, — дейди тадбирда иштирок этган "Камалак юлдузлари — 2013" республика болалар ижодиёти фестивали ғолиби Камол Олимов. — Мен ҳам устозларимдан бахшичилик санъати сирларини қунт билан ўрганиб келяпман. Шу пайтгача қатор танловларда иштирок этдим. Келажакда элнинг суюкли бахшиси бўлишни, халқимизнинг ақлу заковати, тафаккури маҳсули бўлган достонларни маромига етказиб айтишни ният қилганман. Бунинг учун ҳали кўп ишлашим, устозлар ўгитини олишим лозим.

Дарҳақиқат, миллий санъат турлари халқнинг руҳини кўтаради, уни янги марралар сари илҳомлантиради. Чунки унда халқимизнинг минг йиллик ҳаёт тарзи, орзу ва истаклари ўз ифодасини топган. Шунинг учун қўлига дўмбирасини олиб достон куйлаётган бахшининг овози қалбимизга яқин. 24 йил аввал қўлга киритганимиз — истиқлол халқимизнинг қаддини тиклади, қадрини юксалтирди. Ўзлигимизни англатди. Шунинг учун ҳам бу байрамнинг шукуҳи ўзгача. Унинг қадрига етиш, асраб-авайлаш ҳар биримизнинг ҳаётий бурчимизга айланмоғи лозим.

* * *

"Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шиори остидаги байрам тадбирлари шу кунларда барча партия ташкилотида юқори савияда давом этмоқда.

**Ҳасан САЛОМОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Огоҳлик — давр талаби

# Ахборот хуружлари ва ёшлар маънавияти

***Ёшлар — жамиятнинг асосий кучи, ишончи ва таянчи. Мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни ҳеч кимдан кам бўлмаган инсон этиб вояга етказиш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирини ташкил этади. Бунинг самараси бугун ўзбек ёшлари эришаётган ютуқ ва муваффақиятларда яққол намоён бўлмоқда. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам ўз фаолиятида ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратиб, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилмоқда. Партия сайловолди Платформасида ёшларни юксак маънавиятли, ҳар жиҳатдан соғлом инсон қилиб вояга етказишга кўмаклашиш масаласи устувор вазифа сифатида белгиланган.***

ЎзМТДП Навоий вилоят ва Кармана туман кенгашлари ҳамкорлигида "Биз ёшлар: "оммавий маданият"нинг салбий таъсири ва мафкуравий таҳдидларга қаршимиз" мавзусида ташкил этилган давра суҳбати партия дастурий мақсад-вазифалари ижросига қаратилди. Унда партия фаоллари, "Ёшлар қаноти" етакчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатида ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Азимжон Ёрқулов бугунги глобаллашув жараёнида ёш авлод маънавиятига салбий таъсир этувчи зарарли ғояларга қарши курашишда ёшларнинг маънавий иммунитетини мустаҳкамлаш, улар қалбида миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғусини кучайтириш долзарб вазифалардан эканини таъкидлади.

— Келажак эгаларини халқимиз маънавиятига ёт "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш бугунги шиддат билан ўзгараётган, глобаллашув жараёни авж олаётган замоннинг энг долзарб вазифаси бўлиб қолмоқда, — деди нотиқ. — Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни комил инсон қилиб тарбиялашни асосий мақсад сифатида белгилаган партиямиз бу борада аниқ мақсадга қаратилган саъй-ҳаракат олиб бораётир. Партия сайловолди Платформасида навқирон авлодни ёш авлод онги учун зарарли бўлган "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш мақсадида уларни миллий тикланиш ғояси, миллий маданият ва қадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш, ёшларни ахборот-ресурс марказларига, маданий-тарихий ёдгорлик масканларига, театр ва кўргазмаларга жалб қилиш вазифаси белгиланган. Шу мақсадга қаратилган тадбирлар доирасида ёшларнинг музейлар, ахборот-ресурс марказларига оммавий ташрифларини уюштириш партия дастурий мақсад-вазифалари ижросига хизмат қилади.

"Оммавий маданият" иллатлари, асосан, интернет орқали кириб келаётир. Айни пайтда мамлакатимиз аҳолисининг аксарияти глобал тармоқдан фойдаланмоқда, уларнинг аксарият қисми эса ёшлардир. Шунинг ўзи ахборот хавфсизлигини таъминлаш бирламчи вазифа эканлигини англаш-англатиш учун етарли. Бугунги глобаллашув жараёнида ёшлар маънавиятига қарши йўналтирилган кичик хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, бироқ зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши муқаррар. Глобаллашувнинг бундай салбий таъсирларига қарши курашишнинг ишончли усулларидан бири — ёш авлодни билимли, соғлом ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатга эга инсонлар қилиб тарбиялаш, улар онги ва қалбида мафкуравий иммунитетни шакллантиришдир. Бу борада мамлакатимизда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Юртимизда баркамол авлодни тарбиялаш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда.

Давра суҳбатида халқ депутатлари Кармана туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси Наргиза Шомиева бугунги ахборот глобаллашуви замони "оммавий маданият" ниқоби остида кириб келаётган салбий таъсирларга қарши курашишда маҳаллий Кенгашларга партиямиздан сайланган депутатлар, бошланғич партия ташкилотлари ҳамда "Ёшлар қаноти" етакчилари ўзаро ҳамкорликдаги тарғибот тадбирларини янада кучайтиришлари лозимлигини таъкидлади.

Тадбир доирасида иштирокчилар эътиборига "XXI аср фитнаси" видеофильми намойиш этилди. Тинч ва фаровон ҳаётимиз, миллий урф-одат ва анъаналаримизга рахна солишга қаратилган турли ғаразли ҳаракатлардан навқирон авлодни ҳимоя қилишга ундовчи мазкур фильм юзасидан иштирокчилар ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди. Аҳолининг ижтимоий фаоллиги, ҳуқуқий онги ва маданиятини янада юксалтириш, айниқса, ёшларни соғлом эътиқод ва миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган маънавий-маърифий тадбирларни ўтказишда эътибор қаратилиши зарур бўлган жиҳатлар хусусида сўз юритилди.

Энг улуғ, энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб ўтказилган мазкур тадбир ёшларда юрт учун муносиб фарзанд бўлиш, мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраш ва мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш туйғусини янада кучайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

***Отабек МЎМИНОВ,***
***ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиси:***

— Бугунги мураккаб замонда ҳар бир инсон мустақил фикрга, соғлом дунёқараш ва иродага эга бўлиши, даврлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий қадриятларимизга таяниб иш тутиши лозим. Шу боис, ёшларни турли ёт ғоялар ва зарарли иллатлар таъсиридан ҳимоя қилиш, уларда мафкуравий иммунитетни кучайтиришга қаратилган тадбирларни мунтазам ўтказиб келмоқдамиз. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, вилоят телевидениеси, маҳаллий нашрлар билан ҳамкорликда мавзуга оид кўплаб чиқишлар, давра суҳбатлари ташкил қилдик. Бу каби тадбирларни вилоятимизнинг энг чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган тенгдошларимиз иштирокида ҳам ўтказишни режалаштирганмиз. Мақсадимиз бугунги глобаллашув жараёнида "оммавий маданият"нинг миллий қадриятларимиз ва навқирон авлод онгига салбий таъсирининг олдини олишдан иборатдир. Биз ёшлар Президентимиз айтганидек, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан жавоб берамиз.

***Ирода БЎРОНОВА,***
***"Ёшлар қаноти" фаоли:***

— Ахборот глобаллашуви замонида турли "куч"лар томонидан ёшлар онги ва қалбини эгаллаш, айрим ҳолларда улардан ўзларининг ғаразли мақсад ва ниятлари йўлида фойдаланишга уринаётган ҳатти-ҳаракатлар кучайиб бормоқда. Бундай таҳдидларнинг олдини олишда ҳар томонлама пухта ташкил этиладиган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган чора-тадбирлар — маънавий тарбия тизими муҳим аҳамиятга эга. ЎзМТДП ташаббуси билан ўтказилган бугунги тадбир ёшларни турли зарарли иллатлар, маънавиятимизга ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бу каби тарғибот ишларининг кенгайиши ҳозирги глобаллашув жараёнида жуда муҳим. Бундай мафкуравий кўникмалар юртимизнинг энг чекка ҳудудларида яшаётган ёшлар онгига ҳам сингдириб борилиши лозим. Зеро, "оммавий маданият"нинг зарарли таъсиридан ишончли ҳимояланиш, ён-атрофимиздаги воқеа-ҳодисаларга онгли муносабат, огоҳ ва сергак қарашга одатланиш ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиздир.

**Ўралой ТУРДИЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

# Сайловчи ишончини қозониш — асосий вазифа

***Фаол ва ташаббускор бошланғич ташкилотлар — партия дастурий мақсад-вазифаларини кенг аҳоли ўртасида тарғиб қилиш, партия хайрихоҳлари сафини кенгайтириш, электорат ишончини қозониш, партия имижини оширишнинг муҳим воситасидир.***

Бунга 26 аъзони бирлаштирган Мирзачўл тумани "Мустақиллик" МФЙ қошидаги бошланғич партия ташкилоти фаолияти яққол мисол бўла олади. Қуйи бўғин аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш, уларни жамиятдаги ўзгаришларнинг фаол иштирокчиси бўлишга даъват қилиш, партия туман кенгаши ҳамда депутатлар билан мустаҳкам ҳамкорлик қилишга интилаётир.

— Бунинг учун, энг аввало, оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини кучайтиришга эътибор қаратяпмиз, — дейди бошланғич партия ташкилоти етакчиси, тумандаги 2-умумтаълим мактаби директор ўринбосари Абдуманнон Абдураҳимов. — Иш фаолиятим бевосита партия дастурий мақсад ва вазифалари билан уйғун ва ҳамоҳанг. Бу эса янада фаолликка ундайди. Чунки жисмонан соғлом, маънан етук авлодни тарбиялаб вояга етказиш, таълим-тарбия тизимини янада ривожлантириш, уни бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол иштирок этиш партиямизнинг ижтимоий соҳадаги муҳим вазифаларидан саналади. Мактабимизнинг аксарият ўқитувчилари ҳам маслакдошларимиз сафида бўлиб, ушбу дастурий вазифалар йўлида уюшқоқлик ва бирдамлик билан иш олиб бормоқда.

Бошланғич партия ташкилотида партия ғоялари тарғиботи, дастурий мақсадларни бажариш, партия ишини юритиш бўйича ўзига хос тажриба тўпланган. Барча маънавий-маърифий тадбир, спорт мусобақаси партия дастурий мақсад-вазифалари рўёбига қаратилаётир.

Бошланғич партия ташкилоти фаолияти самарадорлиги қандай омилларга боғлиқ, деган саволимизга қуйи бўғин етакчиси қуйидагича жавоб берди:

— Ҳар бир етакчи фақат аъзолар сонини кўпайтирсам, иш режамни бажарсам бўлди, деган фикр-ўйдан йироқ бўлиши керак. Бошланғич партия ташкилоти фаолиятини тубдан ўзгартириш, партия ғояларини кенг тарғиб-ташвиқ қилиш, сайловолди ваъдалар устидан чиқиш ва ҳудуд аҳолисини ўйлантираётган айрим масалаларни ҳал қилиш бўйича янги таклиф ва ташаббусларни илгари суриши, аъзоларнинг баҳамжиҳат ва ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришини таъминлашга эришиш фаолият самарадорлигининг муҳим омили саналади. Бошланғич партия ташкилоти партиядан сайланган маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб борсагина муайян натижага эришиш мумкин. Биз ўз фаолиятимизда ана шу омилга жиддий эътибор қаратишга ҳаракат қилаяпмиз. Масалан, яқинда бўлиб ўтган қуйи бўғин йиғилишида фаолларимиз туманнинг "Тошкент" ҚФЙ ҳудудида "Миллий тикланиш" боғини ташкил этиш ташаббусини илгари суришди. Олдимизда турган муҳим вазифа ушбу ташаббуснинг амалдаги ижросига эришишдир. Бунда, албатта, маҳаллий Кенгаш депутатлари ва партия гуруҳи ёрдамига таянамиз. Аҳоли амалий ишларимизга қараб баҳо беришини асло унутмаслик керак.

**Дилноза ҲАЙИТОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Муносабат

# Эътибор юксак марраларга ундайди

**Бугун юртимиз ўзгача қиёфа касб этган, ҳар бир гўша байрам, шодлигу тантаналар оғушида. Она Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллик тўйи қувончи ҳар бир юртдошимиз юз-кўзида, кайфиятида ҳукмрон. “Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!” шиори остида нишонланаётган мамлакатимиз мустақиллигининг қарийб чорак асрлик шодиёнаси ҳар биримизга ғурур бағишламоқда.**

Юртимизнинг қай гўшасига борманг, давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ҳар бир соҳада амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар самаралари, улкан бунёдкорлик ишлари, ўзгариш ва янгиланишларни кўриб, дил яйрайди. Муҳташам санъат кошоналари, кўркам дам олиш масканлари, сўлим хиёбонлар бахтиёр юртдошларимиз билан гавжум. Уларнинг юз-кўзларида ўз ҳаётидан мамнунлик, хотиржамлик кайфияти сезилиб турибди, шу жаннатмонанд юртда яшаётганидан, фаровон турмуш-тарзидан шукроналик ҳисси акс этмоқда. Дунёнинг қайсидир бурчакларида нотинчлик, иқтисодий танглик ҳукм сураётган бир пайтда юртимиздаги тинчлик-осойишталик, халқимизнинг фаровон ҳаёти, фарзандларимизнинг шўх-шодон ўйин-кулгиси, ўқишга, янгилик яратишга интилиб яшаётгани, албатта, ҳар биримизга ғурур бағишлаши шубҳасиз. Шу билан бирга ана шундай бахтиёр ҳаётимиз учун шукрона айтиб яшашга ундайди.

Она Ватанимизда инсон қадри юксак, унга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, интилишларини рағбатлантириш алоҳида эътиборда. Мамлакатимиз мустақиллиги шодиёналари арафасида бир гуруҳ юртдошларимизнинг Ватанимизнинг юксак мукофоти — унвон, орден ва медаллар билан тақдирлангани бунга ёрқин мисолдир. Улар орасида бизнинг ҳам борлигимиз фахр-ифтихор, қувонч бағишлаш билан бирга мамлакатимизда биз санъаткорларга кўрсатилаётган эътибор ва рағбат зиммамиздаги масъулиятимизни янада оширади, астойдил меҳнат қилишга, юксак марраларни забт этишга ундайди. Бу жараёнда фаоллик кўрсатиш, келажагимиз бўлган ёшлар тарбиясига муносиб ҳисса қўшиш, замонамиз қаҳрамонлари образини яратиш биз, санъаткорларнинг бурчимиздир.

**Мирза АЗИЗОВ,**
**Ўзбекистон халқ артисти,**
**ЎзМТДП Марказий кенгаши аъзоси**

Истиқлол айёми арафасида ҳамиша кўз ўнгимга республикамиз, айниқса, Қашқадарё вилоятининг мустақилликдан аввалги ҳолати келади. Ўша вақтларда айни ишлайман, янгиликлар яратаман деган, ёшда бўлганмиз. Лекин бу мақсадларни амалга ошириш тугул, тасаввур қилишнинг ўзи қийин эди. Чунки яқин ўтмишда Ўзбекистон қолоқ аграр республика ҳисобланар, иқтисодиётининг асосини пахтачилик ташкил этарди. Мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида барча соҳаларда кенг миқёсли ислоҳотлар амалга оширилди. Шу боис Ўзбекистон бугунги кунда саноати тез суръатлар билан ривожланаётган, замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этиш ҳисобидан иқтисодиётда саноатнинг улуши 25 фоизга етган, экспортбоп ва рақобатбардош маҳсулотларнинг 60 фоиздан ортиғи юқори технологияларга асосланган соҳаларда ишлаб чиқарилаётган, куч-қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган мамлакатга айланди. Иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш борасидаги мақсад-интилишларимиз рўёбга чиқди. Бу жараёнда бизнинг ҳам камтарона ҳиссамиз қўшилаётганидан мамнунмиз. Қолаверса, иқтисодий соҳада кучли миллий иқтисодиётни шакллантиришни мақсад қилган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фаоли сифатида мамлакатимизнинг жаҳондаги иқтисодий ва индустриал жиҳатдан ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишга қаратилган сиёсатини амалга оширишда янада фаол иштирок этишга интиламиз. Бунда Ватанимизнинг юксак мукофоти, Президентимиз билдирган ишонч катта масъулият юклайди, келгуси ишларимизда куч-қувват бағишлайди. Зеро, Ватан учун яшаш, эл-юрт учун хизмат қилиш — олий саодат.

**Шерзод ҲУСАНОВ,**
**“Ўзгеобурғинефтгаз” акциядорлик компанияси бош директори,**
**халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат,**
**“Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби**

Қонунчилик палатасида

# Жамоатчилик экспертизаси

**ҳаётий қонунлар яратилишида муҳим омил**

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси “Қонун лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари” мавзусида давра суҳбати ташкил этди. Депутатлар, экспертлар, вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этган тадбирда “Қонунчилик палатаси томонидан қонун лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизасини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом лойиҳаси муҳокама қилинди.*



Сардор МУЛЛАЖОНОВ олган суратлар



Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси А.Саидов қонун лойиҳаларини тайёрлаш, муҳокамадан ўтказиш, қабул қилиш, ижросини таъминлаш, қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш жараёнида уларни жамоатчилик экспертизасидан ўтказишнинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди. Эътироф этилганидек, Қонунчилик палатасида муҳокама қилинаётган ҳар бир қонун лойиҳасини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ҳамда ҳуқуқий билимларини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, қонун лойиҳалари муҳокамасига жамоатчилик вакилларини, фуқаролик жамияти институтлари мутахассисларини жалб этиш, лойиҳалар мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш ва уларнинг таклиф-мулоҳазаларини ўрганиш, ўз навбатида, қонунларнинг пухта, пишиқ ва ҳаётийлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Жорий йилнинг 23 январида Олий Мажлис палаталарининг қўшма йиғилишида давлатимиз раҳбари қонун лойиҳаларини давлат бошқаруви, фуқаролик жамияти институтларининг турли бўғинларида кенг ва амалий муҳокама қилишни таъминлаш, қонунчиликнинг сифати ва таъсирчанлигини ошириш учун олимлар, юқори малакали мутахассис ва экспертларни кенг жалб этган ҳолда қонун лойиҳасини, албатта, атрофлича муҳокама этиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратган эди. Дарҳақиқат, қонунлар лойиҳалари, айниқса, аҳолининг ҳаётий муҳим манфаатлари, ижтимоий ҳуқуқларига бевосита дахлдор бўлган қонунчилик ҳужжатлари муҳокамасига жамоатчиликни, фуқаролик жамияти институтлари вакилларини ҳам кенг жалб этиш мамлакатни бошқаришда фуқароларнинг иштирокини ҳар томонлама кучайтиришга хизмат қилади, қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти соҳасида очиқликни таъминлайди.

Қонун лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказишнинг тартиб-таомилларини ўз ичига олган мазкур Низомни ишлаб чиқишда Қонунчилик палатаси депутатлари билан бирга жамоатчилик вакиллари, фуқаролик жамияти институтлари мутахассислари ҳамда қўмита экспертлари фаол иштирок этди. Низом лойиҳасини тайёрлашда қонун лойиҳалари муҳокамасига кенг жамоатчилик вакилларини жалб этиш воситасида мамлакатимиз фуқароларида қонун ижодкорлиги жараёнига, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини шакллантириш ғояси асос қилиб олинди. Низом тайёрланиши жараёнида турли муассаса ва фуқаролик жамияти институтларидан элликдан ортиқ таклифлар, фикр-мулоҳазалар келиб тушди. Уларда қонун лойиҳаларини муҳокама қилишда мамлакатимиз фуқароларининг иштирокини кенгайтириш, фаоллигини ошириш масалаларига эътибор қаратилган.

Низомни ишлаб чиқиш жараёнида Қонунчилик палатасидаги партиялар фракциялари ҳамда Экоҳаракат депутатлар гуруҳи ўз дастурий мақсад-вазифалари ҳамда электорати манфаатларини инобатга олган ҳолда таклиф-мулоҳазаларини тақдим этди. Жумладан, ЎзМТДП фракцияси аъзолари ҳам партиянинг дастурий мақсад-вазифалари, электорат манфаатларидан келиб чиқиб, қатор таклифлар билдирди. Низом лойиҳасини маромига етказиш давомида ЎзМТДП фракциясининг кўплаб таклифлари инобатга олинди.

Тадбирда маъруза билан қатнашган Адлия вазирлиги ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вакиллари қонун лойиҳаларини маромига етказишда уларни жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш, фуқаролар сиёсий-ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришдаги ўрни ва аҳамиятига эътибор қаратишди.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

Доимий комиссияларда

# Сариосиё тарих ва ўлкашунослик музейи

**ЎзМТДП фаоллари саъй-ҳаракати билан замон талаблари асосида таъмирланади**

***Ўзининг бой тарихи, бебаҳо қадрият ва анъаналарига эга қадим Сурхон воҳаси мустақиллик йилларида янада чирой очди. Ҳудудда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, кенг ва равон йўллар, шинам меҳмонхоналар, замонавий маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилди. Тарихий обидалар қайта тикланиб, буюк алломаларнинг қадамжолари ободонлаштирилди.***

Собиқ тузум даврида қаровсизликдан хароб аҳволга келиб қолган вилоятдаги қатор ноёб тарихий ёдгорликлар, жумладан, Султон Саодат мажмуаси, Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий, Ҳаким ат-Термизий, Сўфи Оллоёр мақбаралари бугун янгича қиёфа ва маъно-мазмун касб этиб, нафақат юртдошларимиз, балки кўплаб хорижлик сайёҳларнинг ҳам эътиборини ўзига тортмоқда. Қолаверса, вилоятда Термиз-Денов, Термиз-Бойсун ва Термиз-Музработ йўналишлари бўйлаб қизиқарли саёҳатлар уюштирилаётгани боис меҳмонлар Сурхондарёнинг кўкка бўй чўзган тоғлари, ажойиб табиати, ўзига хос маданий меросидан баҳраманд бўлмоқда.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам халқимизнинг маънавий қадриятлари, юртимизнинг бой тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросини асраб-авайлашни ўзининг асосий мақсад-вазифаси деб билади. Шу боис партия гуруҳлари мамлакатимизда маданий мерос объектлари муҳофазасини таъминлашга қаратилган қонун ва қонуности ҳужжатлар ижросини ўрганиш, улар асосида депутатлик сўровларини амалга ошириш, маҳаллий Кенгашлар доимий комиссияларига таклиф, сессияларга ташаббус-масалалар киритишда фаоллик кўрсатиб келмоқда. Бу эса партия дастурий мақсад-вазифалари амалий ишлар орқали юзага чиқаётганини кўрсатади.

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи Сариосиё туманидаги 21-мактаб ҳудудида жойлашган Тарих ва ўлкашунослик музейини таъмирлаш ва уни замонавий ахборот технологиялари билан таъминлаш масаласини тегишли доимий комиссия йиғилиши муҳокамасига киритди. Туман ва вилоятнинг ўзига хос турмуш тарзи, бой маданияти, илмий мероси намуналарини ўзида мужассам этган музей биносининг таъмирталаб ҳолатга келиб қолгани ҳамда ундаги кўпгина ноёб экспонатларни кенг тарғиб-ташвиқ қилиш зарурати музейни замонавий кўринишга келтириш, унда ахборот технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланишни тақозо этмоқда.

Партия гуруҳи ҳамда ЎзМТДП Сариосиё туман кенгаши ташаббуси билан илгари сурилаётган мазкур масала бу борада ЎзМТДП амалга ошираётган саъй-ҳаракатларнинг узвий давомидир. Шунингдек, масаланинг яна бир аҳамиятли томони бор — музей қошида айни вақтда “Баркамол авлод” болалар маркази ташкил этган “Ёш музейшунослар” тўгараги фаолият олиб бормоқда. Унда бир гуруҳ йигит-қизлар ўзлари яшаётган ҳудуд ва Ватанимизнинг бой тарихини ўрганиб, экспонатларни асраб-авайлаш ва бойитишга ҳисса қўшиб келмоқда. Партия сайловолди Платформасида маданият муассасалари, “Баркамол авлод” болалар марказлари, мусиқа ва санъат мактаблари, жумладан, олис ва бориш қийин бўлган қишлоқ жойларни янада ривожлантириш масаласи алоҳида вазифа этиб белгиланганини ҳисобга олсак, мазкур таклифнинг доимий комиссия йиғилишида муҳокама этилиб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияси кун тартибига киритилаётгани ЎзМТДП дастурий вазифаларининг амалдаги рўёбига хизмат қилади.

— Мустақиллик йилларида бой маданий меросимизни асраш, қайта тиклаш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш борасида Президентимиз раҳнамолигида аҳамияти ва кўлами жиҳатдан кенг миқёсдаги ижобий ишлар амалга оширилди, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси Аҳмаджон Бобоев. — “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида”ги, “Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Архив иши тўғрисида”ги, “Музейлар тўғрисида”ги, “Геодезия ва картография тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши маданий мерос объектларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини яратди. Мазкур қонун талаблари ҳамда партия дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда Сариосиё туманидаги Тарих ва ўлкашунослик музейини капитал таъмирлаш масаласини доимий комиссияда муҳокама қилдик. Ушбу маънавият масканининг замонавий қиёфа касб этиши, интернет тармоғида ўз сайтига эга бўлиб, унда ноёб экспонатларнинг жойлаштирилиши юртдошларимизда музейга нисбатан қизиқиш уйғотади. Бундан ташқари, шу ерда яшаётган йигит-қизларимизда тарихий мерос ва халқ анъаналарига чуқур ҳурмат-эҳтиром туйғуларини ривожлантиради.

Музейда Сариосиёнинг Қаумтепа ва Омонтепа ҳудудларидан топилган қадимий осори-атиқалар, турли даврларга оид сопол, ёғоч ва металлдан ясалган уй-рўзғор, қишлоқ хўжалиги буюмлари, юзлаб мис, бронзадан зарб этилган танга ва қоғоз пуллар, XVIII-XIX асрларга оид аёллар ва эркаклар кийимлари ҳамда бошқа кўплаб топилмалар сақланмоқда. Шунингдек, катта бир тарихий даврни ўзида жамлаган аёллар зеб-зийнат ва тақинчоқлари момоларимизнинг нафақат эстетик диди, балки яшаш тарзи ва шароитини ҳам ифодалайди. Музейдаги ноёб экспонатлар нафақат сурхон эли, балки бутун ўзбек халқининг ўзига хос турмуш тарзи, маданияти ва тафаккуридан сўзлаётгандай. Уларни асраб-авайлаш, тиклаш ва келгуси авлодларга ўз ҳолича етказиш барчага бирдек масъулият юклайди. Партия гуруҳи айни пайтда масалани сессия муҳокамасига тайёрлаш учун музейнинг ҳозирги ҳолатини атрофлича ўрганаётгани, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқаётгани эътиборга молик.

Хулоса ўрнида айтганда, мамлакатимизда маданий мероснинг кўчмас объектлари 8 мингдан ортиқни (уларнинг 50 фоизидан зиёди археология мероси объектларига тўғри келади) ташкил этиши билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бироқ фақат мавжуд ютуқлар билан ғурурланмасдан, соҳа олдида турган муҳим вазифалар — уларни сақлаш, ҳисобини юритиш, янада бойитиш ишларига ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозим. Биргина археология ёдгорликлари атрофини ободонлаштириш, уларда хизмат кўрсатиш тизимларини йўлга қўйиш ҳамда сайёҳлик фирмалари орқали туризмни ривожлантириш борасида ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар анча. Бу жараёнда, айниқса, миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари интилаётган ЎзМТДП фаоллари муносиб иштирок этиши, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларда фаолият юритаётган партия гуруҳларининг ташаббускорлиги муҳим аҳамиятга эга.

***Намоз ЖЎРАЕВ,***
***ЎзМТДП Сариосиё туман кенгаши раиси:***

— Туманимиздаги Тарих ва ўлкашунослик музейи бир неча бор жорий таъмирдан чиқарилган бўлса-да, бугун замон олдимизга қўяётган талаблар уни буткул янги қиёфага келтиришни тақозо этмоқда. Чунки аҳоли, айниқса, ёшларимизнинг ижтимоий фаоллиги, савияси тобора юксалиб бормоқда. Бугунги ёшлар бу ноёб топилмаларга шунчаки эмас, уларнинг аҳамиятини чуқурроқ англашни, жаҳон музейларидаги осори-атиқалар билан қиёслашни, Шарқ маданиятининг ўзига хос жиҳатларини фарқлашни истайди. Демак, биз бу борада ёшларга яқин кўмакчи бўлишимиз, уларни зарур манбалар, ахборот технологиялари билан таъминлашимиз лозим. Мазкур масалани ижобий ҳал этиш мақсадида партия ташкилотимиз халқ депутатлари вилоят, туман Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳи билан изчил ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Бу жараёнда ўзини ўзи бошқариш органлари, болалар ва ёшлар ташкилотлари фаоллари ҳам масъулиятни ҳис этган ҳолда ҳамжиҳатликда иш олиб боришлари лозим бўлади.

***Чарос ЖЎРАҚУЛОВА,***
***тумандаги 21-мактабнинг 9-синф ўқувчиси,***
***“Ёш ўлкашунослар” тўгараги аъзоси:***

— Мамлакатимизнинг бой ўтмишига, аждодларимизнинг илмий-маданий, бадиий мероси, диёримизнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга жуда қизиқаман. Музейимизнинг “Маданий мерос” бўлимида ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирийнинг 1929 йилда эски ўзбек ёзувида чоп этилган “Меҳробдан чаён” романининг илк нашридан нусха мавжуд. Ушбу китобни ҳар гал кўздан кечирар эканман, унда миллатимиз бошидан кечган кунлар, воқеа-ҳодисалар юксак бадиий ифода билан тасвирлангани, халқимизнинг ўтган кунлари ёдга тушади. Бугунги тинч ва озод кунларнинг қадрига етиш, хотин-қизларга қаратилаётган юксак эътибордан самарали фойдаланиш, дориломон кунларни асраб-авайлашга ҳар бир ёш ўз ҳиссасини қўшиши зарур. Ўз навбатида, нафақат мактабимиз, балки туманимиз, вилоятимиз ўқувчиларида ҳам ушбу музейни ўрганиш истаги пайдо бўлаётгани эътиборга молик. Агар маънавият маскани замонавий қиёфага келтирилса, интернет тармоғида ўз саҳифасига эга бўлиб, экспонатлар ҳақида маълумотлар жойлаштирилса, мамлакатимиздаги музейлар билан ўзаро алоқа йўлга қўйилса, нур устига нур бўлар эди.

**Умида УЗОҚОВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

MILLIY TIKLANISH
35 (356) 2015 йил 1 сентябрь, сешанба

Истиқлол манзаралари

*Яқинда пойтахтимиздаги Ғафур Ғулом номли истироҳат боғида "Мустақил юрт ҳунармандлари" деб номланган халқ бадиий ҳунармандлиги ва амалий санъат маҳсулотларининг анъанавий VIII кўргазмаси бўлиб ўтган эди. Унда миллий қўғирчоқлар устаси Манзура Юсупова, мато тўқувчи Санобар Раҳимова, миллий либослар дизайнери Ёдгорбек Содиқов, ёғоч ўймакор Шавкатбек Раҳимов каби ўн нафар андижонлик ҳунармандлар ҳам ўз ижод маҳсулларини намойиш этди. Кўргазмага қўйилган маҳсулотлар тезда ўз эгасини топди. Яна ўнлаб янги буюртмалар тушди. Манзурахоннинг миллий қўғирчоқлари, Шавкатбекнинг Бобур сиймоси ва Андижоннинг тарихий арки дарвозаси тасвири туширилган ўйма нақшли лаганлари энди хорижга йўл олади...*



*ЎзА сурати.*

# Инсон қадр топган юрт

Мустақиллик ҳунармандга мана шундай даромадли иш билан шуғулланиш учун кенг имконият берди. Бугун миллий ҳунармандлик анъаналарини асраб-авайлаб, унинг ривожига ҳисса қўшиб келаётган оилалар қувончига шерик бўлар эканман, кўз ўнгимдан болалик даврим — бундан 40-45 йил олдинги воқеалар жонланади...

Онам Боқияхон тўкисликни ёқтирарди. Шу сабаб меҳнатдан сира қочмасди. Андижоннинг эски шаҳар қисмидаги торгина ҳовлимизга кириб борсам, онам доим айвондаги сўрида китоб ўқиб ўтирган бўларди. Бувам Раҳмонберди қори ва тоғам Абдулазиз ўттизинчи йиллар қатағони қурбони бўлгач, бувим вафот этган. 12 ёшли онамнинг бошига тушган етимлик уни ҳеч кимга айтолмаган дардситамларни меҳнату мутолаа билан енгишга ўргатган экан. Шунданми, саксонга кирганда ҳам бу одатларини ташламади.

Игна-ип — онамнинг асосий эрмаги бўлган. Эл орасида қўлигул чевар сифатида танилганди. 35 ёшигача дўппи тиккан. Ўзиям дўппимисан дўппи эди.

Тепа гулига шундоқ гунгура, қўшзанжир, оқ йўрмак деган чоклар солардики, нинасининг ўрни билинмасди. Кизакдаги 16 ярим ой шаклли гулга уйғун қилиб безак тикарди. Айтишларича, оқ ипакдан яралган қалампирнусха бу дўппилар бозорда энг харидоргир бўларди. Ёши ўтиб, кўзи хиралашгач, майда чокка қийналиб қолганди. Сўнг қишда пахтали фуфайка, ёзда эркакларнинг астарсиз кителини тикди.

...Етмишинчи йиллар. Ҳар пайшанба ва якшанбада Андижоннинг катта майдон бозорида тиккан ишларини сотишга чиқарди. Аммо не ҳасратда тунлари ухламай меҳнат қилиб тиккан ишларини эркин сотолмасди. "Чевар бозор, қувғин бозор" дейиларди. Ўша давр қоидаси бўйича уйда иш тикиб сотиш меҳнатсиз даромад аталиб, таъқиб қилинарди. Бундан ортиқ адолатсизлик бўладими?

Шундан бўлса керак, кўздан нари турсин деб бозордан анча беридаги кичик бурама кўчадаги бир дарахт остига мени катта тугун билан "ҳушёр ўтир", дея қўйиб кетарди. Мен қўриқчи бўлиб, онам кетган бозор йўлига тикилиб ўтирардим. Маҳсулотларни онам бозорга битта-битталаб олиб кирарди. Бир куни онам ҳарна деб биринчи ишни арзонгинага сотибдию, олдимга келаётганида ортидан кузатувчи тушганини сезмабди. Хурсанд бўлиб тугунни очаётганларида ҳалиги шляпа кийган кузатувчи қизил ҳужжатини кўрсатиб, иккаламизни тугун-пугунимиз билан идорасига олиб кетди. Меҳнатсиз даромад топувчи сифатида ишимиз судга ошадиган бўлди.

Бечора онам ўша идорада кечгача гуноҳкордай сўроқ берди. Дадам шифохонада бемор ётгани-ю, яшаш аҳволимиз анча оғирлигини, рўзғорни тебратиш учун уч қизи билан тун-кун кител тикишини айтиб йиғлагани ҳамон кўз ўнгимда. Ўшанда ўнта кител мусодара қилинди, етти фарзандли оиламизнинг ҳафталик ризқи қийилди. Уйга келиб онам "қорнимга эмас, қадримга йиғлайман", дегани ҳеч эсимдан чиқмайди.

Мустабид даврда бундай савдо ҳар бир ҳунарманднинг бошидан ўтгани аниқ. Жарроҳлик операциясидан кейин дадам ногирон бўлиб қолди. Фуфайка ва кител кийиш хийла урфдан чиққач, онам энди тепаси ва кизагига гул тикилган хомаки дўппи тайёрлашга ўтди. Дўппини ҳам минг хавотир билан "меҳнатсиз даромад эгаси" сифатида сотиб келарди. У замонда чеварлик осон иш эмасди. Дўппи тайёр бўлгунча қилинган меҳнат, чекилган заҳмат бир онда "меҳнатсиз даромад" манбаи сифатида йўққа чиқариларди...

Мустақиллик шарофати билан ҳунарманднинг кўксига шамол тегди. Ҳунарманд бетакрор миллий қадриятларимиз, бебаҳо маданий меросимиз давомчилари сифатида ҳурмат топмоқда. Меҳнати улуғланиб, эмин-эркин ишлаши учун зарур барча шарт-шароит яратилмоқда. Бугун ҳунарманднинг тадбиркор сифатида пичоғи мой устида. Маҳсулотини хоҳласа ўзимизда, истаса хорижга сотсин. Турли кўрик-танловлару фестивалларда иштирок этади. Имтиёзларга эга, мукофотлар олмоқда. Ҳатто уйда бажарган иши учун меҳнат дафтарчаси очилиб иш стажи ёзилади. Инсоннинг қадр-қиммат топиб яшаши шу-да асли. Айниқса, Ўзбекистон Президенти совррини учун ўтказиладиган "Ташаббус" кўрик-танловида ҳунармандларнинг ҳам ғолиб чиқаётганига чиндан ҳавасинг келади.

Бугун "Ҳунарманд" уюшмаси Андижон вилояти бўлимининг 2200 га яқин аъзоси бор. Уларнинг сонигина эмас, ҳунар турлари ҳам кўпайиб боряпти. Бир мисол: бугун кошинпазлар наинки ҳунарманд, балки мамлакатимиздаги бунёдкорлик ишларининг асосий усталаридир. Андижоннинг Ўзбекистон кўчасида жойлашган бизнес марказнинг энг устки кошин ғиштли безакларини пахтаободлик Қутбиддин Турдиев ишлаган. Кўрган одам борки, қўлигул устанинг меҳнатига таҳсин айтмай иложи йўқ.

Избоскан туманидаги Тўрткўл қишлоғида халқ амалий санъати лицей-интернати бор. Ҳар йили юзлаб ўғил-қизлар миниатюра санъати, ганчкорлик, наққошлик каби йўналишларда мутахассис бўлиб етишмоқда. Самарқанддаги Имом ал-Бухорий мажмуасининг бош дарвозаси, ўн иккита нақшинкор устунлари шу лицей ўқувчилари устози Йўлбарс Ўтагеновнинг ижод маҳсули. Йўлбарс отанинг шогирдлари жуда кўп. Улар қўлга киритаётган ютуқлар эса ундан-да кўп. Чунки мунтазам ўтказилаётган ёш ижодкорлар кўргазмалари, фестиваль ва ижодий танловлар ўғил-қизларнинг халқ амалий санъатига, миллий ҳунармандликка қизиқишини янада ошириш, қобилият ва салоҳиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга хизмат қилаётир.

"Ҳунарманд" уюшмаси аъзолари бугун белгиланган солиқлардан, мулк солиғидан, хорижга махсулот чиқарса, божхона тўловларидан озод. Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес, ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора тадбирлари тўғрисида"ги фармони эса бу борада янада янги имтиёзларни белгилаб берди.

ЎзМТДП вилоят кенгаши ҳам тарихий қадриятларимизни асраб авайлаш, уларни келажак авлодга етказиш йўлидаги ёш ҳунармандларни рағбатлантириш борасида кўрик-танловлар ўтказиб келаётир. Улардан бири — "ЎзМТДП менинг тасаввуримда" танлови. Партия фаоллари бўлган ёш ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш мақсадидаги бу танловга шу кунгача партиянинг логотипларини каштачилик, гилам тўқув, тикув, миллий мато тўқув, рассомлик маҳорати ила яратган ёш ҳунармандлардан ўнлаб ишлар тушди.

Бир пайтлар қишлоқда яшаган одамга осон бўлмаган. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, қишлоқлар инфратузилмаси ривожлантирилди. Қишлоқларга саноат кириб борди. Кичик корхоналар пайдо бўлди. Уларнинг кўпини ҳунармандлар йўлга қўйди. Маҳсулотлар тури ва салмоғи ошди. Шогирдлар сафи кенгаймоқда.

Бугун қишлоқ одамларининг ҳаёти, дунёқараши ва онги тубдан ўзгарган.

Яқинда "Андижон — Олтинкўл" автобусида кетаётиб, икки аёлнинг суҳбатига гувоҳ бўлдим.

"Неварам Миржалол Республика танловида соврин олибди. Ўшани табриклаб келяпман..."

"Олтинкўлдаги 1-мактабнинг 4-синфида ўқиётган Муслима хориждаги танловда қатнашиб қайтди. Қўшнимиз эса "Ташаббус" танловида мукофот олибди: энди 16 ёшга кирган қиз. Ҳам попоп тикади, ҳам зардўзликни қойиллатади. Зўр ҳунарманд бўлиб олди..."

Бояги аёлнинг набираси — Оқтепа қишлоғида яшайдиган тўрт ёшли Миржалол ёки ўн ёшли Муслиманинг катта саҳналарда қўшиқ куйлаши, зардўзчи қизимизнинг эса совриндор бўлганини эшитиб, "қорнига эмас қадрига йиғлаган" онажоним кўз олдимга келди...

Комиллик сари интилиб яшаш инсонни саодатга элтади. Биргина Олтинкўл тумани мисолида ижодкор қизлар Муҳаббат Каримова, Саидабону Абдусаломова Зулфия номидаги Давлат мукофотига, санъаткор йигитларимиз Машҳурбек Райимжонов, Элдор Ғуломов, Шаҳзод Собиржонов "Ниҳол" мукофотига сазовор бўлишди. Деҳқон дугонам Асалхон Расулова "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор", ўттиз йиллик қадрдоним, фермер Сиёсатхон Абдуллаева Ўзбекистон Қаҳрамони бўлди. Бу меҳнатнинг, ҳунарнинг, истеъдоднинг қадрланиши. Бу мустақиллик шарофати. Бундай мисоллар эса жуда кўп.

Бугун биз ёши каттароқлар Андижон ёки Олтинкўл марказий кўчаларини айланиб бундан йигирма беш йил аввалги ҳолатни солиштириб, ҳайратланаверамиз. Ёшлар эса буни оддий қабул қилишади. Чунки улар кечаги кунни кўрмаган.

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб аҳоли, биринчи навбатда, ёшларимизнинг жисмонан бақувват, маънавий жиҳатдан етук авлод бўлиб улғайишига берилаётган юксак эътиборнинг кўриниши бу. Ахир мамлакатимизда давлат бюджети харажатлар қисмининг 60 фоизга яқини таълим, соғлиқни сақлаш, илм фан, маданият ва санъат, спорт соҳалари ривожига сарфланмоқда.

Ўзимга таниш икки фактни айтай: Сурхондарёнинг Ангор туманидаги қадрдоним Ҳилолмомо Тўраеванинг саккиз ёшли набираси Иброҳимжон Франция ва Россияда бўлиб ўтган каратэ бўйича жаҳон чемпионатидан олтин медал олиб келди. Олтинкўллик коллеж ўқувчиси Мафтуна Толипова каратэ бўйича "Korea Open" турнирида 2-ўринни олди. Икки чемпион ҳам қишлоқдан чиққан оддий болалар.

Ижодкор сифатида Тошкентга тез-тез боришимга тўғри келади. Қамчиқ довонида тоғни тешиб қурилган равон йўллардан тўрт-беш соатда манзилга етамиз. Йўллар бурунгидек одамни ҳоритмайди. Магистрал йўлнинг икки четида анвойи гуллар, кўркам арча ва бошқа манзарали дарахтлар... Кўриб, дил яйрайди. Ахир дарахт экиш, гул ўстириш нотинч кўнгилга сиғмайдида. Гулга ҳамроҳлик — ҳаётдан мамнунлик белгиси. Мана, довон оша темир йўл ўтказилмоқда. Йўлимиз янада равон, яқин бўлади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан буён анъанага айланган "Андижонни кўркам вилоятга айлантирайлик!" шиори остидаги меҳнат ва санъат фестивалида фаол иштирок этаётган юртдошларимиз учун бугун мазкур фестивалда қатнашиш эмас, бунда "бу менинг юртим" деган фахрифтихорни туйиш муҳим ўрин тутади.

Баъзан жаҳоннинг турли жойларида юз бераётган иқтисодий инқирозлар ҳақида сўз кетса, халқимиз ишонч билан таъкидлайди: бизда инқироз бўлмайди, чунки саховатли еримиз бор, меҳнаткаш қўлимиз, тоза кўнглимиз, ҳар бир ўғил-қизни фарзандим деб эъзозлайдиган, уларнинг билим олиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун мунтазам ғамхўрлик кўрсатиладиган — Ўзбекистонимиз бор! Бу юртда инсон азиз, бу халқ учун Ватан муқаддас. Шундай экан, кимнинг мустақил Ўзбекистондай Ватанни қорачиғига олиб ғурурлангиси, "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!", дея фахрлангиси келмайди. Кўнгли сурурли, ғурурли эл бизнинг эл-да. Унинг кеча ким экани, бугун ким бўлганини дунё кўриб, тан олиб турибди.

**Замира РЎЗИЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири,**
**"Шуҳрат" медали соҳибаси**

**ҚУТЛАЙМИЗ!**



**Таҳририятдан:** ***Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида Президентимиз Фармонига биноан давлатимиз юксак мукофотлари билан тақдирланганлар сафида газетамизнинг Андижон вилоятидаги мухбири Замирахон Хўжамбердиева (Рўзиева) ҳам бор. У "Шуҳрат" медалига муносиб кўрилди. Ҳамкасбимизни юксак мукофот билан қутлаймиз ва ижодий муваффақиятлар тилаймиз.***

Комиссия йиғилиши

# Мамлакатимиз тарихий-маданий мероси

## ютуқларини тарғиб этишга қаратилган лойиҳалар қўллаб-қувватланади

***Бугун жамиятимизнинг ҳар бир соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни кенгайиб бораётир. Мустақилликнинг дастлабки йилида ННТ сони атиги 95 тани ташкил этган бўлса, ҳозирга келиб улар бир неча минг баробарга кўпайди. "Соғлом авлод учун" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Сен ёлғиз эмассан" республика хайрия жамғармаси, Республика болалар ижтимоий мослашув маркази, "Экосан" экология ва саломатлик халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон ногиронлар жамияти ва бошқа бир қатор ташкилотлар она ва бола соғлиғини мустаҳкамлаш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилада соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, имконияти чекланган фуқароларга ижтимоий кўмак бериш, мамлакатимизда кучли демократик давлат қуриш жараёнларида муносиб иштирок этмоқда.***

Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссиясининг йиғилишида шу ҳақда сўз борди.

Таъкидланганидек, 2008 йил 3 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Сенати Кенгашининг "Нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қўшма қарори қабул қилинган эди. Унга асосан, мамлакатимиз парламенти ҳузурида ННТ, мустақил ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари фаолияти учун давлат бюджети маблағларини тақсимлаш, молиялаштириш ва улар ишлатилишини мониторинг қилиш миллий тизими яратилди.

Сўнгги етти йилда давлат бюджетидан ННТ, фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш, турли ижтимоий лойиҳаларни бажаришга ажратиладиган молиявий маблағларни шаффоф, очиқ, манзилли ва демократик тарзда тақсимлаш мақсадида Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фондига субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар шаклида 47,7 миллиард сўм маблағ ажратилди. Охирги тўрт йилда ажратилган маблағлар умумий ҳажми уч маротаба ошди. ННТ грант лойиҳаларини молиялаштириш ҳажи сезиларли даражада ортди. Мисол учун, жорий йилда ННТни қўллаб-қувватлашга 4,8 миллиард сўм ажратилган бўлиб, бу Жамоат фонди ажратадиган маблағлар умумий ҳажмининг деярли эллик фоизини ташкил қилади.

Йиғилишда Жамоат фондининг "Фуқаролик жамияти институтларининг жисмонан соғлом ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашга йўналтирилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш" мавзусидаги 3-грант танлови ҳамда "Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда аҳоли, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаоллигини ошириш" номли 4-грант танлови ғолибларини аниқлаш юзасидан олиб борилган ишлар якуни атрофлича муҳокама қилинди. Унга кўра, мазкур танловларда 456 ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари иштирок этди. Улар томонидан 535 лойиҳа тақдим этилди. Шундан 78 дан ортиғи ғолиб бўлди.

Шунингдек, Парламент комиссияси жорий йилнинг 29 августидан 6 октябрига қадар эълон қилинган аҳолининг ҳуқуқий билимлари, маданияти ва онгини юксалтиришда фуқаролик жамияти институтлари ролини оширишга қаратилган 5 ва 6-грант танловларини ўтказиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Кўп сонли ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг таклифига кўра, йиғилишда Ўзбекистон тарихий-маданий меросини, республика ижтимоий ҳаётининг турли соҳалардаги ютуқларини оммалаштиришга қаратилган қўшимча грант танлови тасдиқланди.

Парламент комиссияси келгусида тизимли қўллаб-қувватлашни таъминлаш мақсадида 2016 йилга ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг лойиҳалари ва дастурларини қўллаб-қувватлашга қаратилган маблағлар бюджети ҳақидаги ахборотни ҳам муҳокама қилди.

Парламент комиссияси йиғилиш якунлари бўйича тегишли қарор қабул қилди.

**Умида УЗОҚОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Диққат танлов

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди**

*Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 24 йиллиги байрами муносабати билан*
**"Аҳолининг ҳуқуқий билимлари, ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтиришда фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтириш" мавзусида**

# давлат гранти ажратиш учун танлов эълон қилади

**Танловда давлат рўйхатидан ўтган фуқаролик жамияти институтларининг қуйидаги мақсадлардан келиб чиққан лойиҳалари қабул қилинади:**

*1. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда жамиятда қонунчиликни мустаҳкамлашга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар, танловларни, энг аввало, ёшлар орасида амалга ошириш;*

*2. Ҳудудий ОАВда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий қоидалари, тамойиллари ва мақсадларини очиб бериш, Асосий қонун меъёрлари ҳақида билимлар тарғиботига қаратилган махсус теле- ва радиодастурлар, нашрлар, мақолаларни тайёрлаш ва чоп этиш;*

*3. Барча давлат органлари, масъул шахслар ва фуқаролар томонидан қонун ва ҳуқуққа нисбатан ҳурмат муносабатини шакллантиришга қаратилган материалларни ҳудудий ОАВда тайёрлаш ва чоп этиш;*

*4. Фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мавжуд ҳуқуқий механизмлари ҳақида хабардорлигини ошириш, уларда амалдаги қонунчилик доирасида ўз ҳуқуқларини талаб қилиш кўникмалари, билими ва тайёрлигини шакллантиришга қаратилган мавзуга доир теле- ва радиодастурлар, нашрлар, мақолаларни тайёрлаш ва чоп этиш;*

*5. "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуннинг мазмун-моҳиятини очиб бериш бўйича ҳудудий ОАВ томонидан ахборот тушунтириш ишларини олиб бориш;*

*6. Жамиятда ҳуқуқий онг, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни оширишга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш бўйича мамлакатда олиб борилаётган амалий ишларни ОАВда кенг ёритиш;*

*7. Республикада меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва жамоат муҳокамаси, ушбу ишда экспертлар, олимлар, мутахассис-амалиётчилар, фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг иштироки бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш;*

*8. 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган тузатишларни амалга оширишга қаратилган қонун ҳужжатлари лойиҳаларини жамоатчилик ўртасида кенг муҳокама қилиш бўйича тадбирлар ўтказиш;*

*9. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида қабул қилинган қонунларнинг мазмуни ва моҳияти ҳақида кенг ахборот-тушунтириш ишларини давом эттириш;*

*10. Аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш, ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш бўйича ишларни амалга оширишда замонавий ахборот коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш.*

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1. Ариза тақдим этилаётганлиги ҳақида ННТ раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган кузатув хати.

2. www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда ёзилган грант лойиҳаси (аризаси).

3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси.

4. Низом нусхаси (охирги ўзгариш ва қўшимчалар) ташкилот муҳри билан тасдиқланган.

5. Агар лойиҳа лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, лицензия нусхаси.

6. Мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш борасида манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тақдимнома ёки хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 25 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2015 йил 29 августдан 6 октябргача қабул қилинади.

Ҳужжатлар "Ўзбекистон почтаси" орқали муҳрланган конвертда (А4 формат): Тошкент шаҳри, 100035, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 1-уйда жойлашган **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди"** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76; 239-26-64.

Реклама ўрнида

24 йил

# “SHOVOT TEMIR BETON”
## хусусий корхонаси жамоаси

*Барча юртдошларимизни энг улуғ, энг азиз айём –*

# *Мустақиллик куни*

*билан чин дилдан табриклайди.*

*Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида амалга ошираётган эзгу ишларингизда омад ва муваффақият ёр бўлсин!*





*Хизматлар лицензияланган*

## ПОП ТУМАНИДАГИ “РИВОЖ КЕЛАЖАК ЖИЛОСИ”
### хусусий корхонаси жамоаси

**Барчани қутлуғ тарихий сана – юртимиз**

# МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 24 ЙИЛЛИГИ

**билан самимий қутлайди.**

Кундан-кун чирой очиб бораётган она Ватанимиз гуллаб-яшнайверсин!





*Хизматлар лицензияланган*

**Огоҳлик — давр талаби**

# Ёнғин хавфсизлиги учун барчамиз масъулмиз

**Мамлакатимизда фуқароларнинг осойишта ва фаровон турмуш кечиришини таъминлаш, фавқулодда вазиятлар юзага келишига йўл қўймаслик, хусусан, ёнғинларнинг олдини олиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада тегишли меъёрий-ҳуқуқий база яратилган бўлиб, “тилсиз ёв”ни ўз вақтида бартараф этишда ана шу қонунлар ҳам муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, 2009 йил 30 сентябрда қабул қилинган “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ўт ўчириш хизмати фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб берди.**

Тошкент вилояти Зангиота тумани ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бўлими ҳам ҳудудда ёнғиннинг олдини олиш мақсадида аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда. Жорий йилнинг июль ойида туман ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳудуддаги 57 мингдан зиёд хонадоннинг ёнғин хавфсизлиги бўйича ҳолатини текширди, хонадон эгалари билан тушунтириш ишларини олиб боришди.

Туман ҳудудидаги турли ташкилот ва корхоналар текширилгач, ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилган 287 корхонанинг алоҳида хоналарида иш фаолияти тўхтатилди, носоз ва ёнғин чиқиш ҳолатида турган 1644 электр ва газ ускуналаридан фойдаланиш тақиқлаб қўйилди. Шунингдек, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузган 470 нафар фуқаро ва масъул шахс тегишли равишда жавобгарликка тортилди.

Туман ҳудудида ёнғин хавфсизлигига қатъий риоя этилишини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг шу даврига қадар мингга яқин учрашув ташкил этилди, уларда 40 мингдан зиёд фуқаро йўриқномалар билан таништирилди. Шунингдек, бу борада мунтазам равишда ОАВ орқали тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Ўтган етти ой давомида туманда содир бўлган ёнғинларнинг сони 153 тани ташкил этди. Уларнинг 98 таси фуқароларнинг шахсий хонадонларида рўй берган. Бу эса аҳолидан янада эҳтиёткорлик, ёнғин хавфсизлигига қатъий риоя қилишни талаб этади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ёнғинларнинг асосий қисми носоз электр ускуналари ҳамда иситиш воситаларидан фойдаланиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, очиқ оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, ёш болаларни уйда ёлғиз қолдириш оқибатида юзага келмоқда.

Доно халқимиз “ўт ва сув балосидан асрасин” деб бежиз айтмаган. Ёнғин туфайли инсоннинг нафақат мол-мулки, балки саломатлигига ҳам жиддий зиён етиши мумкин. Шу боис ҳар биримиз ҳушёр ва тартибли бўлсак, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга бефарқ қарамасак, ҳар қандай ёнғиннинг олди олинади, кўнгилсизликларга йўл қўйилмайди. Энг асосийси, ёнғин хавфсизлиги учун барчамиз бирдек масъул эканимизни унутмаслик лозим.

**Ҳусниддин ЙЎЛДОШЕВ,**
**Тошкент вилояти Зангиота тумани ИИБ ДЁН инспектори, сержант**




Ҳунармандчилик

# Имтиёзлар соҳа ривожига ҳисса қўшмоқда



***Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган кўҳна Бухорода қадимдан илм-фан, ҳунармандлик ва савдо-сотиқ ривожланган. Ғарбу Шарқ ўртасидаги иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшган шаҳардан дунёнинг турли мамлакатларидан йўлга чиққан карвонлар ўтган. Қадимдан бухоролик ҳунармандлар ижод маҳсули бўлган гиламлар, ипак матолар, заргарлик ва зардўзлик буюмлари, сопол идишлар халқаро бозорда харидоргир бўлган. Бугунги кунда ҳам Бухоро рассомлик ва миниатюра, заргарлик, зардўзлик, мис-кандакорлик, темирчилик, гиламчилик ва Ғиждувон кулолчилик мактаблари ўз қадр-қимматини йўқотгани йўқ.***

Миллий қадриятлар — халқимизнинг бебаҳо бойлиги. Мустақиллик йилларида уларни асраб-авайлаш, келгуси авлодларга етказиш йўлида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган даврда қадриятларимизнинг ажралмас қисми саналган халқ амалий санъатига эътибор кучайди. Юртимизда унинг унутилаётган турлари қайта тикланиб, ҳунар эгалари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётир. Ҳунармандларнинг эмин-эркин ишлашлари, ўз иқтидорларини рўёбга чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиляпти. Турли солиқ имтиёзлари берилмоқда. Натижада ҳунармандлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Ҳунармандчиликнинг унутилаёзган кўплаб турлари қайта тикланди.

— Бугунги кунда “Ҳунарманд” бошқармаси ва унинг туман, шаҳар бўлимларида 1200 нафар ҳунарманд рўйхатдан ўтган бўлиб, уларнинг 640 нафари хотин-қизлардир, — дейди “Ҳунарманд” уюшмаси Бухоро вилояти бошқармаси раҳбари Акбар Муҳамедов. — Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги “Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармони соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда дастуриламал бўлмоқда. Ҳунармандларимиз давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликни ўз фаолиятлари мисолида дилдан ҳис этиб туришибди. Уларга солиқ тўлови борасида қатор имтиёзлар берилган. Давлатимиз раҳбарининг фармонига мувофиқ, ана шу имтиёзлар 2017 йилнинг 1 январигача узайтирилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунида белгиланганидек, оилавий корхона ўзи ишлаб чиқарган халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмлари савдосидан тушган тушум бўйича ягона солиқ тўловидан озод қилингани уста ҳунармандларга оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, корхонани кенгайтириш ва янги иш ўринларини яратиш имконини бермоқда.

Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини тайёрлаш фаолияти билан шуғулланувчи “Ҳунарманд” уюшмасига аъзо бўлган, имтиёздан фойдаланаётган якка тартибдаги тадбиркорлар сони жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 24,3 фоизга ошди.

Айни пайтда вилоятда ҳунармандчиликнинг ёғоч ўймакорлиги, миллий каштачилик, зардўзлик, дўппидўзлик, пойабзал тикиш, ганчкорлик турлари билан шуғулланаётган 775 нафар ҳунарманд давлат рўйхатидан ўтган. Улар фаолияти давомида ҳунармандларга берилган солиқ имтиёзлардан тўла фойдаланмоқдалар.

Бундай ғамхўрликдан баҳраманд бўлаётган халқ амалий санъати усталари дунёнинг бир қатор мамлакатларида ўз кўргазмаларини ташкил қилишяпти. Халқаро анжуманларда фаол қатнашиб, миллий ҳунармандчилигимизни жаҳонга кўз-кўз этишаётир. Ҳозиргача уюшмамизнинг юз нафардан зиёд аъзоси Россия, Германия, АҚШ, Япония, Франция, Англия, Швейцария, Малайзия, Италия каби қатор давлатларда ўтказилган ана шундай тадбирларда қатнашиб, совринли ўринларни эгаллади. Беш нафар вакилимиз ЮНЕСКОнинг “Моҳир ҳунарманд уста” сертификати, ўттиз беш нафари эса сифат сертификати билан тақдирланди. Президент соврини учун ўтказиб келинаётган анъанавий “Ташаббус” кўрик-танловининг республика босқичида ҳозирги кунга қадар тўрт нафар устамиз биринчи ўринни, уч нафар ҳунармандимиз 2-ўринни, яна иккита вакилимиз эса 3-ўринни эгаллаган.

Ўтган давр ичида Ғиждувон туманида “Ғиждувон кулолчилик маркази”, Вобкент туманида “Ҳунармандчилик маркази”, Бухоро шаҳрида “Бухоро мис кандакорлиги”, “Совға” зардўзлик маркази, “Бухоро ипак гиламлари” ва Шофиркон туманида “Каштадўзлик” мактаблари ташкил этилди. Мазкур марказларни таъмирлаш ва зарур жиҳозлар билан таъминлаш учун уюшма ҳисобидан 20 миллион сўм сарфланди. Ёшларимиз ўртасида ҳам халқ амалий санъатига қизиқиш кучаймоқда. Ҳунарга меҳр қўйган ёшлар учун вилоятда “Ҳунарманд” уюшмаси 55 “Устоз-шогирд” мактабини ташкил этган. Уларда икки минг нафардан ортиқ ёшлар ҳунар сирларини кунт билан ўрганмоқда. Жорий йилда касб-ҳунар коллежларининг 100 нафар битирувчиси ишлаб чиқариш амалиётини худди шу мактабларда ўтади.

Вилоятда халқ амалий санъатини ривожлантиришга бўлган эътибор йил сайин ошиб бормоқда. Бухоро шаҳрининг ибн Сино ва Афросиёб кўчалари кесишмасидан Ҳунармандлар растаси қуриш учун ер майдони амалий санъат усталарига бепул ажратилди. Келгусида бу ерда ҳунармандлар шаҳарчаси қад ростлайди. Ушбу маскан вилоят туризм салоҳиятининг юксалиши, янги иш ўринлари яратилиши, пировардида халқ амалий санъатини тараққий этишига хизмат қилади.

**Эркин ДОРИПОВ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

Матбуот анжумани

# Ўзбек кураши жаҳонга юз тутмоқда

*Уч ярим минг йил давомида Марказий Осиё ҳудудидан ташқарига чиқмаган ўзбек кураши мустақилликнинг илк йиллариданоқ Президентимиз ташаббуси ҳамда саъй-ҳаракатлари натижасида жаҳон майдонига чиқди. Кўп асрлик тарихга эга миллий курашимиз бўйича қитъа ва жаҳон чемпионатлари, турли нуфузли мусобақалар ўтказила бошланди. Кураш ҳалол спорт тури сифатида тан олинди. Жорий йилнинг 6 сентябрида сайёрамизнинг 122 давлатида Халқаро кураш ассоциациясининг 17 йиллиги кенг нишонланади.*

27 август куни Миллий матбуот марказида Африка ва Европа кураш конфедерациялари делегацияларининг мамлакатимизда ўтказган ўқув-машғулот йиғинлари якуни ва Кураш халқаро ассоциацияси тақвимидаги спорт мусобақалари муҳокамасига бағишлаб ташкил этилган матбуот анжуманида ҳам чет эллик полвонлар ва ўзбек кураши ихлосмандлари ўн кун давомида олган таассуротлари билан ўртоқлашдилар.

— Бу машғулотларда ўзбек курашининг сир-асрори, янги усулларини ўргатган юртдошларингиздан жуда миннатдорман, — дейди свазиландлик курашчи Шивон Эстеруйсен. — Гарчи бу спорт тури билан бир неча йиллардан бери шуғулланиб келсак-да, ҳали ўрганадиган жиҳатларимиз кўп экан. Ўтказилган ўқув-машғулот йиғини биз учун ҳақиқий тажриба мактаби бўлди. Олган билимларимиз шу йилнинг декабрь ойида ўтказиладиган қитъа чемпионатида қўл келишига ишончим комил.

16-27 август кунлари ташкил этилган ўқув-машғулот йиғинларида Жанубий Африка ва Италия кураш федерацияларининг ёшлар ва катталар терма жамоалари вакиллари ҳам иштирок этишди. Уларга Ўзбекистон кураш федерациясининг мураббий ҳамда ҳакамлари ўзбек кураши сирларидан сабоқ бердилар.

Анжуманда Халқаро кураш ассоциацияси мусобақалар тақвимидан жой олган спорт тадбирлари хусусида ҳам маълумот берилди. Жорий йилда Истанбул шаҳрида халқаро Босфор турнири, Бухоро шаҳрида мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган мусобақа, Хитой Тайпейида ёшлар ва ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати, Теҳронда катталар ўртасидаги жаҳон чемпионати, Грузияда Европа чемпионати ва Доминикан Республикасида Пан Америка қитъа чемпионати бўлиб ўтади.

Ҳа, бугун “кураш”, “таъзим”, “тўхта”, “ёнбош”, “чала”, “дакки”, “ҳалол” каби соф ўзбекча сўзларнинг турли миллат вакилларидан иборат ҳакамлар, мухлислар тилидан янграётгани халқимиз ғурурини янада юксалтиради. Ўзбек кураши дунё спортчилари орасида ҳалоллик ва инсонпарварлик, бағрикенглик ва тантилик хислатларини намоён этаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

**Аҳмад ЮСУПОВ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**







VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

**МУАССИС:** ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

**ҲОМИЙ:** «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Акмал САИДОВ, Жалолиддин САФОЕВ, Рустам ҚОСИМОВ, Исмат ХУДОЁРОВ, Эркин ДОРИПОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

**Бош муҳаррир:** Беҳзод НОРБОЕВ
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
**ТЕЛЕФОНЛАР:** (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 6 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 925, Адади — 5774. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.
**Навбатчи муҳаррир:** Умида УЗОҚОВА
**Навбатчи:** Аҳмад ЮСУПОВ
**Саҳифаловчи:** Акбар ШОДИЕВ
**Электрон почта:** e-mail: mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 01.50.
ЎзА якуни — 01.04
ISSN 2010-7714
12 45

Реклама ўрнида

## ШАҲРИХОН ТУМАНИДАГИ "ШАҲРИХОН СУТ" ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

*изчил ва барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган серқуёш диёримиз аҳолисини Ватанимиз*

*мустақиллигининг 24 йиллик*

*байрами билан самимий табриклайди.*

**ХАЛҚИМИЗ ДАСТУРХОНИ ТЎКИН-СОЧИН БЎЛИБ, ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ БУНДАН-ДА ГУЛЛАБ-ЯШНАСИН!**



Хизматлар лицензияланган

## БУХОРО ИҚТИСОДИЁТ ВА БАНК КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

**Ватанимиз ва халқимиз ҳаётидаги буюк сана –**

**истиқлол байрамининг 24 йиллиги**

**билан самимий табриклайди.**

**Энг улуғ, энг азиз айём барчамизга муборак бўлсин, азизлар!**



Хизматлар лицензияланган

## БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ПРОФЕССОР ВА ЎҚИТУВЧИЛАРИ ЖАМОАСИ

*Ўзбекистон Республикасининг*

**МУСТАҚИЛЛИК КУНИ**

*билан чин дилдан қутлайди.*

***Ёш авлодда Ватан тақдири, бугуни ва келажагига дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, мустақил, янгича фикрлайдиган авлодни вояга етказиш доимий эътиборимизда бўлиб қолаверади.***



Хизматлар лицензияланган

**ЁШЛАР ЭРТАНГИ КУНИМИЗ ЭГАЛАРИ, КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ ЯРАТУВЧИЛАРИДИР!**

MMS

## "MAGNUM MEDIKAL SERVIS" МЧЖ ЖАМОАСИ

*Эркин ва фаровон ҳаётимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли*

**ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ**

**24 ЙИЛЛИГИ**

***билан барча юртдошларимизни чин дилдан муборакбод этади!***



***Барчангизга соғлик-омонлик, оилавий бахт ҳамда эзгу ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз!***



Хизматлар лицензияланган

*Реклама ўрнида*

# ҚИЗИЛТЕПА ТУМАНИДАГИ “ШАРҚ ҚУРИЛИШ СЕРВИС” МЧЖ ЖАМОАСИ

*барча юртдошларимизни энг улуғ, энг азиз байрам*

## ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 24 ЙИЛЛИГИ

*билан самимий қутлайди.*







**Элу юрт фаровонлиги йўлида олиб бораётган бунёдкорлик ишларимиз баракали бўлсин!**

*Хизматлар лицензияланган*

## “Уз Тонг Хонг Ко” қўшма корхонаси жамоаси

UZ-TH

*юртдошларимиз ва азиз меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги билан чин дилдан табриклайди.*

*Хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, ишларингизга ривож, эзгу орзуларингиз рўёбга чиқишини тилаймиз!*

*Хизматлар лицензияланган*

## “БУХОРО СПЕКТР”

*хусусий корхонаси жамоаси*

*барча юртдошларимизни Ватанимиз*



**МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 24 ЙИЛЛИГИ**

*билан самимий қутлайди.*



**ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ОСМОНИМИЗ МУСАФФО БЎЛСИН!**

“Бухоро спектр” – сизнинг ишончли ҳамкорингиз!
Тел: +0 365 221-53-14

*Хизматлар лицензияланган*

"ЖАНУБГАЗҚУРИЛИШ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 24 ЙИЛЛИК

байрами билан самимий табриклайди.



Хонадонингиздан шоду хуррамлик, меҳр-оқибат, файзу-барака аримасин!



Хизматлар лицензияланган

"НАВОИЙ ҲУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ" АЖ жамоаси

юртдошларимизни Ватанимиз мустақилликка эришган куннинг 24 йиллиги билан муборакбод этади!

Истиқлол – улуғ неъмат. Уни кўз қорачиғимиздек асраб-авайлайлик. Тинчлик ва осойишталигимизга кўз тегмасин!

БАЙРАМ МУБОРАК, АЗИЗЛАР!



Хизматлар лицензияланган

"MEBEL MAX SERVIS" хусусий корхонаси жамоаси

Ўзбекистоннинг меҳнаткаш, меҳмондўст, бунёдкор халқини

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ

билан чин дилдан муборакбод этади.

ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ОСМОНИМИЗ МУСАФФО БЎЛСИН!



Хизматлар лицензияланган

Тадбир

# Ахборот маконида тезкорлик ошмоқда

**Пойтахтимизда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди босма ОАВ фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг долзарб масалалари мавзусида семинар-тренинг ташкил этди.**

Тадбирда "UZINFOCOM" компьютер ва ахборот технологияларни ривожлантириш ва жорий қилиш ҳамда "Электрон ҳукумат портали" марказлари мутахассислари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, босма оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида оммавий ахборот воситаларини замон талабларига мувофиқ изчил ислоҳ этиш ва ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Замонавий журналистикани, интернетсиз тасаввур қилиб бўлмайди. "Ахборот асри", "ахборот глобаллашуви", "ахборотлашган жамият", "ахборот таҳдиди" сингари тушунчалар вужудга келишининг бош сабаби ҳам айнан интернет ривожи билан боғлиқ. Шу боис ҳам мамлакатимизда ОАВ учун қулай шароит ва зарур ҳуқуқий кафолатлар яратиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳага янги ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани қайд этилди. Зеро, журналистларнинг халқаро миқёсда рўй бераётган воқеаларга теран тафаккур, зийраклик, чуқур таҳлилий ёндашуви, қатъий ва фаол фуқаролик позициясига эга бўлиши замон талабидир.

Семинарда босма ОАВ фаолиятига АКТни янада кенгроқ жорий этиш, виртуал ахборот маконини изчил ривожлантириш ҳолати ва тенденциялари, йирик медиа тузилмалар ва ҳудудий нашрлар ўртасида тезкор ахборот алмашинувини такомиллаштириш юзасидан фикр алмашилди.

**Дилфуза РЎЗИЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

MILLIY TIKLANISH
35 (356) 2015 йил 1 сентябрь, сешанба

Реклама ўрнида

## НАВОИЙ ВИЛОЯТИ КЎП ТАРМОҚЛИ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

*Мамлакатимиз аҳолисини*

**ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ 24 ЙИЛЛИК**

*шодиёнаси билан самимий қутлайди.*

*Ушбу қутлуғ кунда барчага мустаҳкам соғлик, яхши кайфият, оилавий бахт-саодат, янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.*

**ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ МУБОРАК!**



Хизматлар лицензияланган

## "НИШОН АГРОТЕХСЕРВИС МТП" МЧЖ ЖАМОАСИ

*Барча юртдошларимизни Ватанимиз*

**МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 24 ЙИЛЛИК**

*байрами билан табриклайди.*

*Юртимизда шоду хуррамлик билан нишонланадиган ушбу байрам ҳар бир хонадонга тўкинлик, фаровонлик, қувонч ва шодлик олиб келсин.*

**ИСТИҚЛОЛ МУБОРАК!**




Хизматлар лицензияланган

## ЧИРОҚЧИ ИҚТИСОДИЁТ КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

**барчани энг улуғ, энг азиз байрам — МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 24 ЙИЛЛИГИ билан самимий табриклайди.**






Озод ва обод юртда барчага бахтли ҳаёт тилаймиз!

## ВОБКЕНТ ТУМАНИДАГИ "БУХОРО БАҲОР" ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқи ва юртимиз меҳмонларини

**Мустақиллик куни**

билан муборакбод этади.

**Юрт ободлиги ва халқ фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнатингизда омад ёр бўлсин!**






**БАЙРАМ МУБОРАК!**

Маҳсулот сертификатланган